



*Илм-фан билан шуғулланиш, янги кашфиёт ва
ихтиролар қилиш игна билан қудук қазишдек гап.
Шундай экан, бу машаққатли соҳада фидокорона
меҳнат қилаётган олимларимиз меҳнати таҳсин ва
рағбатга муносиб.*

*Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*



ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАДАНИЙ МЕРОСИ - ХАЛҚЛАР ВА ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДАГИ МУЛОҚОТГА ЙЎЛ

*Халқаро конгресс
2017 йил 15-16 май
Тошкент-Самарқанд*



МАДАНИЙ МЕРОСНИ САҚЛАШ – ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

2017 йилнинг 15–16 май кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида «Ўзбекистоннинг маданий мероси – халқлар ва давлатлар ўртасидаги мулоқотга йўл» мавзuida икки кунлик халқаро илмий-маданий конгресс бўлиб ўтади.

Тадбирда дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатидан 140 дан ортиқ хорижлик олимлар, экспертлар, дипломатлар, халқаро ташкилотлар вакиллари, шунингдек, 50 дан ортиқ мамлакатимиз илм-фани намояндалари, 50 га яқин миллий ва чет эл ОАВ ходимлари иштирок этадилар. Бу эса улар ўз илмий ишларини бағишлаган минтақага, унинг маданий қадриятлари ва анъаналарига бўлган катта қизиқишдан далолат беради. Ўзбекистон маданий меросини асраб-авайлаш ва оммалаштириш масалаларини муҳокама қилиш, фикр ҳамда тажриба алмашиш учун анжуманда шарқшунослик, археология, тарих, Шарқ кўлёмалари, нумизматика, тўқимачилик, кулолчилик соҳалари мутахассислари қатнашадилар. Дунё илм-фани вакиллари орасида Россия, Канада, Италия, Буюк Британия, Ҳиндистон, Бельгия, Нидерландия, Франция, Германия, Чехия, АҚШ, Туркия, Греция, Озарбайжон ва бошқа мамлакатлардан машҳур олимлар, музейлар ва илмий институтлар раҳбарлари, илмий журналлар муҳаррирлари, шунингдек, ЮНЕСКО ва ICOMOS (Ёдгорликлар ва диққатга сазовор жойларни сақлаш бўйича халқаро кенгаш) ва Ўзбекистоннинг бой маданий-тарихий меросига бағишланган кўплаб материаллар ва китоблар муаллифи бўлган бошқа олимларни учратиш мумкин бўлади. Тадбир меҳмонлари орасида дунёнинг 18 мамлакатидан 14 та профессор, 23 та фан доктори, 13 та фан номзоди бор. Шунингдек, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик миссиялар ва халқаро ташкилотларнинг 80 га яқин вакиллари, 70 дан ортиқ давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари конгресс ишида қатнашади. Илмий анжуманни ташкил этишдан кўзланган мақсад Ўзбекистон маданий-тарихий меросини ўрганиш ва асраб-авайлашга қаратилган. Тадбирда Ўзбекистон худудидан олиб чиқиб кетилган ва дунёнинг турли мамлакатлари музейларида сақланаётган моддий ва бадиий маданиятнинг ноёб объектларига бағиш-

ланган маърузалар тингланади. Мазкур анжуман Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишларини амалга ошириш жараёнида ёрқин воқеа бўлиши туфайли нафақат илмий-маданий, балки ижтимоий аҳамият ҳам касб этади. «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» эксклюзив маданий-маърифий медиа-лойиҳаси тақдимоти тадбирнинг асосий воқеаси бўлади. Анжуман иштирокчиларига «Ўзбекистон маданий мероси» туркумидан «Шарқ давлат музейи тўплами» (Москва ш.), «Россия этнография музейи тўплами» (Санкт-Петербург ш.), «Давлат Третьяков галереяси тўплами» (Москва ш.), «Ўзбекистон гиламлари ва кашталари жаҳон тўпламларида» (Россия, АҚШ, Канада, Австралия), шунингдек, «Алишер Навоий асарлари Россия миллий кутубхонаси тўпламларида» (Санкт-Петербург ш.) номлари остида уч тилда чоп этилган китоб-альбомларнинг дастлабки беш жилди тақдим этилади. Бундан ташқари нашрга тайёрланаётган: «Ўзбекистоннинг муסיқий мероси», «Давлат Эрмидажи тўплами», «Тарих давлат музейи тўплами», «Шарқ кўлёмалари институти тўплами», «Ўзбекистон гиламчилиги, асрлар оша сақланган анъаналар» китоб-альбомларининг ҳам тақдимотлари ўтказилади. Ҳар бир жилд Ўзбекистоннинг машҳур олимлари, санъатшунослари, муסיқашунослари ва шарқшуносларининг илмий раҳбарлиги остида тайёрланмоқда. Тадбир доирасида дунё музейлари тўпламларида сақланаётган Ўзбекистон коллекциялари тўғрисидаги хужжатли фильмлар ҳам намойиш этилади. Шу мақсадда лойиҳанинг ижодий гуруҳи томонидан жаҳоннинг 15 та музейида тасвирга олиш ишлари олиб борилди ва таниқли олимлардан интервью олинди. Конгресс доирасида лойиҳанинг илмий раҳбари, машҳур археолог, тадқиқотчи, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Эдвард Ртвеладзенинг 75 йиллиги муносабати билан тантанали маросим ўтказилади. Тадбирни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита шакллантирилган (раис – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш институтлари қўмитаси раиси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори Акмал Саидов), унинг таркибидан Ўзбекистон Республикаси академиялари ва илмий-тадқиқот институтлари, халқаро ташкилотлар вакиллари, шунингдек, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш соҳасида иш олиб бораётган чет эллик экспертлар ва олимлар ўрин олган. Қайд этиш жоизки, амалга оширилаётган «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон

тўпламларида» лойиҳаси дунёда қиёси йўқ ва халқаро экспертларнинг фикрича, қамрови кенглиги бўйича ҳам тенгсиздир. Китоб-альбомларни нашрга тайёрлаш жараёнида машҳур олимлар томонидан Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилган энг яхши артефактларни тўплаш ва умумлаштириш бўйича жиддий тадқиқот ишлари олиб борилди, бу артефактлар орасида археология, кулолчилик, металл буюмлар, нумизматика, тўқимачилик, заргарлик санъати ва тасвирий санъат асарларининг ноёб намуналари бор. Буларнинг барчаси чоп этилган медиа маҳсулотда Ўзбекистон халқининг маданий-тарихий мероси бойлиги ва нодирлигини акс эттириш ва ёш авлоднинг маънавий-маърифий тарбиясига ўз муносиб ҳиссасини қўшиш имконини берди. Айни шу тадқиқотларнинг натижалари халқаро конгрессда унинг иштирокчилари томонидан маълум қилинади. Тадбирда қатнашаётган санъат соҳасидаги етакчи экспертлар, профессор, фан докторлари Ўзбекистоннинг тарихий-маданий меросига бағишланган қисқача маърузалар тайёрлаганлар. Шу билан бирга тадбир ташкилотчилари ва иштирокчиларининг конгрессга йўллаган қутловлари ҳам тингланади, улар уч тилда махсус нашр этиладиган журналга ҳам киритилган.

Конгресс қатнашчилари учун қўшимча тадбирлар дастури ҳам ишлаб чиқилган:

– улар ЭОАВМА фольклор медиа-фестивалига таширф буюрадилар, Ўзбекистоннинг энг яхши миллий таомларидан татиб кўрадилар;

– Мирзо Улуғбек мадрасасида ўзбек хунармандларининг энг гўзал гиламдўзлик буюмлари ва сўзаналари кўргазмасида бўладилар, айни шу ерда «Ўзбекистон гилам ва каишталари дунё тўпламларида», «Ўзбекистон гиламчилиги: асрлар оша сақланган анъаналар» китоб-альбомлари тақдимоти ўтказилади;

– Ўзбекистон маданий-тарихий меросини оммалаштириш ва туристик салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган «Караван-ТВ» йўлдош мультимедиа телеканали очилишида қатнашадилар;

– қадимий технологиялар бўйича Самарқанд коғоз ишлаб чиқариш фабрикасига борадилар ва бу ерда улар учун «Алишер Навоий кўлёмалари Россия миллий кутубхонаси тўпламида» ва «РФА Шарқ кўлёмалари институти тўплами» тақдимотлари ташкил этилади;

– Амир Темур томонидан Самарқанд атрофида ташкил этилган еттита богдан бири намунаси асосида бунёд этилган «Боғишамол» шарқона боғида қабул маросими ўтказилади, меҳмонлар бу ерда миллий ўзбек мумтоз куй-кўшиқлари ижрочилари санъати-

дан бахраманд бўладилар ва «Ўзбекистон мусикий мероси» китоб-альбоми тақдимоти билан танишадилар;

– Регистон майдонида ажойиб ёгдули-мусикий томоша – «Ўзбекистон маданий мероси – бутун инсоният бойлиги» 3D мэпинги намойиш этилади.

Лойиҳа ташилотчилари: Электрон ОАВ Миллий ассоциацияси – ЭОАВМА; «Караван-ТВ» телеканалли; «Zamon-Press-Info» ноширлик уйи; «UzbekistanToday» ахборот агентлиги; «Севимли ТВ» ва «МУ5» телеканаллари.

Миллий ҳамкорлар: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, «Тараккиёт Стратегияси» маркази, Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси.

Халқаро ҳамкорлар: UNESCOнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Конрад Аденауэр номидаги фонднинг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси.

Ташкилий кўмита



Э.В. Ртвеладзе,
 Лойиха илмий рахбари,
 Ўзбекистон Республикаси Фанлар
 академияси академиги, профессор



Ф.Ф. Абдухоликов,
 Лойиха рахбари, туркум муаллифи,
 Ўзбекистон Республикасида хизмат
 кўрсатган журналист

*Китоб – устоз... Китоб мутолаасининг хар бир сонияси
 сени донишмандлик хазинаси билан ошно эта олади.*

Алишер Навоий

Қадимги тош (палеолит) давридан бугунги замонга қадар тарихий тараққиёт жараёнида Ўзбекистон ҳудудида моддий ва бадиий маданиятнинг ўзига хослиги, хусусиятлари ва қонуниятларини акс эттирувчи осори атиқалар ниҳоятда кўп яратилган. Улар орасида кундалик маиший турмушда қўлланадиган оддий буюмларни ҳам, маҳобатли ибодатхоналар ва зодагонлар тоифасига мансуб айрим кишилар саройлари учун ораста безак бўлган тасвирий ва амалий санъатнинг ҳақиқий, бетақрор дурдоналарини ҳам учратиш мумкин. Янги тош (неолит) даврига оид ганчкор кўза, антиқа зарҳал безаклар бўладими ёки бадиий рангтасвир асарларими, ижтимоий мансублигидан қатъи назар, бу дурдоналар Ўзбекистон тарихий-маданий меросини ташкил этади.

Ушбу мерос ғоят бой ва ранг-барангдир. Унинг катта қисми Ўзбекистондаги кўшлаб давлат музейлари, илмий-тадқиқот институтлари тўшамлари, галереялари ёки архивларида кўз қорачиғидек сақланади.

Лекин унинг яна бир салмоқли қисми (булар асосан матолар, бир-бирига уйғун бўёқлар, замонавий рассомларнинг асарлари, сопол буюмлардир) турли сабабларга кўра, Ўзбеки-

стон ҳудудидан ташқарида – Осиё, Америка, Африка, Европа ва Россиянинг турли музейлари ёки хусусий коллекциячиларнинг фондида сақлаб келинмоқда. Аксарият ҳолларда бу мерос кенг жамоатчилик у ёқда турсин, ҳатто мутахассис олимларга, қадимий, Ўрта асрлар ва замонавий тасвирий ва амалий санъат тадқиқотчиларига ҳам дуруст таниш эмас ёки умуман маълум бўлмаган.

Бунинг турли сабаблари бор. Жумладан, сиёсий, иқтисодий, айирбошлаш, илмий омишларни, кўп ҳолларда эса фойда кўриш илтижидида фақат олибсатарлик мақсадларини бу қаторга киритиш мумкин.

Бир неча мисоллар келтирамиз. Термиз яқинидаги Айритом шаҳарчаси ҳудудидан топилган Санкт-Петербург Давлат Эрмижаидаги мергелли оҳақтошдан ясалган ва созандалар тасвирланган Айритом фризи Эрмижа қадимий буддавийлик санъати тўпламининг ифтихори саналади.

Стокгольмдаги халқ санъати музейи фондида XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент, Самарқанд, Фарғона шаҳарларидан йиғилган ва Стокгольмга олиб кетилган Ўзбекистон амалий санъатининг ниҳоятда бой коллекцияси (бадий ишлов берилган металл, сопол буюмлар, носқовок) кўз қорачиғидек ва барча қоидаларга риоя қилинган ҳолда сақланмоқда.

2004 йилда Вашингтондаги машҳур Фрер бадий галереясида 1960–70-йилларда Ўзбекистон ҳудудида сотиб олинган икат – бадий гулдор ипак матоларнинг бой коллекцияси намойиш этилди. Германиянинг шахсий коллекциялари ва музейларида ўзбек сўзаналарининг кўплаб ажойиб намуналари мавжуд бўлиб, улардан баъзилари жуда ноёб ҳисобланади. Ҳатто олис Сан-Франциско шаҳрида Халқаро Олимпия қўмитаси собиқ Президенти Эвери Брендеж коллекцияси негизида ташкил этилган ажойиб Узоқ Шарқ санъати музейи экспозициясида Афросиёб Ўрта асрлар кулолчилик буюмлари намуналари ва Амир Темур авлодлари номлари ёзилган тамғаларни кўриш мумкин.

Япониянинг Осака шаҳридаги Этнография музейида «Ўзбекистон бурчаги» мавжудлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Унга Ўзбекистоннинг яқин дўсти, юртимизга меҳр қўйган профессор Кюдзи Като асос солган. У XX асрнинг 60-йилларида замонавий япон мумтоз адабиёти вакили Ясуси Иноуэ билан бирга мамлакатимизга қилган биринчи сафаридан сўнг ушбу коллекцияни яратишга киришган эди.

Москва, Санкт-Петербург, Лондон, Париж, Венеция, Генуя, Берлин, Стокгольм, Қоҳира, Техрон, Истанбул ва дунёнинг бошқа шаҳарлари кутубхоналари ҳамда музейларида ҳам қанчадан-қанча қўлёзмалар, қадимий ёзма битиклар, мактублар, бадий буюмлар ва шунга ўхшаш осори-атиқалар сақланмоқда.

Ўзбекистоннинг улкан ва ранг-баранг тарихий-маданий меросини миқдорий жиҳатдан баҳолашнинг иложи йўқ. Таъбир жоиз бўлса, санаб саноғига етолмайсан, киши!

Мустақил Ўзбекистонда маданий меросни сақлаш ва тарғиб қилиш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. Ўрта асрларга оид меъморий ёдгорликлар реставрация қилинмоқда, шаҳарсозлик тузилмалари яхшиланмоқда, археологик, этнографик, санъатшунослик экспе-

дициялари уюштирилмоқда. «Олтин мерос» махсус фонди ташкил этилган бўлиб, унинг вилоят бўлимлари ҳам тузилган. «Ўзбекистон археологияси», «Ўзбекистон тарихи», «Ўзбекистон санъати», «Мозийдан садо» журналлари ва бошқа нашрлар бир неча тилларда чоп этилади, махсус тўпламлар ва монографиялар чиқарилмоқда, жамоатчилик тадбирлари ва илмий анжуманлар ўтказилмоқда. Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари – Бухоро, Самарқанд, Термиз, Хива, Шаҳрисабз бўйлаб сайёҳлик йўналишлари катта аҳамият касб этмоқда. Тарихий-маданий меросни ўрганиш ва тарғибот қилишда 1995 йилдан бошлаб Ўзбекистон тарихий шаҳарлари ва атоқли шахсларига бағишланган туркумнинг нашр этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди (ҳозирда 15 жилди нашр этилган). 2010 йилдан буён «Ўзбекистон обидаларидаги битиклар» (25 жилд) туркум нашрини чоп этиш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида ўзбек олимлари минг йиллар давомида тарихий-меъморчилик ёдгорликларини беэбаб турган эпиграфик битикларни ўрганиш ва уларни ўқиш бўйича чуқур тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Янги музейлар барпо этилди ва муваффақиятли ишламоқда, масалан, Термиз шаҳридаги Археология музейи – МДХ ҳудудидаги шу турдаги биринчи махсус музей бўлса, Тошкентдаги Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида замонавий рассомларнинг асарлари билан бир қаторда ғоятда бой нумизматик коллекция намойиш этилади. Темурийлар тарихи давлат музейи эса шу каби музейлар орасида ноёб ҳисобланади. Нукусдаги В.И. Савицкий номли Қорақалпоғистон Санъат музейида эса авангардчи рассомларнинг бетакрор тўплами йиғилган. Кўпгина музейларнинг экспозицияси яхшиланган ва анча кенгайтирилган, улар ҳар йили янгидан-янги экспонатлар билан тўлдириб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси UNESCO, ICOM (International Council of Museum – Халқаро музейлар кенгаши) ва маданий мерос билан шуғулланадиган бошқа кўпгина халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир.

Тошкентда дунё юзини кўрган «Ўзбекистоннинг маданий мероси жаҳон тўпламларида» лойиҳаси ўз кўлами бўйича беқиёс. Бу жаҳонда ўхшаши йўқ ягона лойиҳа бўлиб, Ўзбекистон ҳудудида яратилган, лекин юқорида айтиб ўтилган маълум сабабларга кўра дунёнинг у ёки бу мамлакатига олиб кетилган моддий ва бадиий маданият объектлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш, ўрганиш, шунингдек, нашр этишни кўзда тутди.

Лойиҳани нашрга тайёрлаш давомида энг яхши артефактларни йиғиш ва умумлаштириш бўйича жиддий тадқиқот ишлари олиб борилди, бу эса Ўзбекистон халқи маданий-тарихий меросининг бой ва ноёб эканлигини кўрсатиб бериш имконини берди.

Қайд этиш зарурки, ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек халқининг маданий, тарихий ва интеллектуал меросини асраб-авайлаш, бойитиш ҳамда янада кўпайтириш масалаларига бўлган шахсан эътибори туфайли амалга оширилмоқда. Ўсиб келаётган авлодни умуминсоний ва миллий қадрият ҳамда анъаналар руҳида тарбиялаш, ўзининг буюк ўтмишига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва уни ўрганиш замонавий Ўзбекистон миллий сиёсатининг асо-

сий йўналишларига айланди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов мамлакат мустақиллигининг илк кунлариданоқ юқорида таъкидланган вазифаларни ҳал қилишга алоҳида аҳамият берганлигини ёдга олиш ўринлидир. 2017 йилдан ушбу масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегиясида белгилаб қўйилди.

Ушбу лойиҳага кўра, Ўзбекистоннинг маданий мероси буюмлари мавжуд бўлган ҳар бир музейга алоҳида жилд бағишланиши, унда сақланадиган материалнинг миқдорига қараб, икки ва ҳатто уч жилдгача ҳам етиши мумкин.

Ҳар бир китоб тузилишида асосий қисм ва каталог бўлиши кўзда тутилган. Таҳлилий қисмнинг асосида у ёки бу музей ҳақидаги қисқача тарихий маълумот, Ўзбекистон ҳудудида яратилган буюмлар коллекциясининг шаклланиш тарихи, моддий ва бадий маданият турларининг илмий тавсифи келтирилади.

У ёки бу музей тўпламининг ўзига хос жиҳатларига боғлиқ бўлиши мумкин бўлган бошқа бўлим ва мавзулар бўлиши мумкин.

Ҳар бир жилд буюмларнинг каталоги ҳамда уларнинг қисқача тавсифи, ўлчамлари, инвентар рақами ва албатта, келиб чиқиши кўрсатилган таърифини ўз ичига олади. Масалан, Б.Н. Кастальский коллекцияси таърифида буюмларнинг келиб тушган йили ёхуд ушбу буюмларни музейга олиб келган у ёки бу археологик ёки этнографик экспедиция кўрсатилиши, буюмлар каталогда хронологик тартибда тавсифланиши лозим. Бунда у ёки бу коллекциянинг аввалги нашрларига ҳам ҳавола қилиш керак бўлади.

Ушбу лойиҳа узоқ йилларга мўлжалланган, негаки уни амалга ошириш бир талай муаммолар ва масалаларни ҳал этишни, жумладан, ўзаро шартлашилган келишувлар ва битимлар, молиявий ва ташкилий харажатлар, олимлар жамоалари тузилиши, буюмларни топши, тегишли бўлимларни ёзиш, китоб-альбомларнинг ўзига хос дизайнини ишлаб чиқиш, уларни нашр қилиш, суратга ва тасвирга олиш, шунингдек, Ўзбекистондаги коллекциялар тўғрисида ҳужжатли фильмлар тайёрлаш ва бошқа кўпгина жиҳатларни талаб қилади.

Китоб илмий мазмуни, баён қилиш услубининг раволиги, танланган суратларнинг матн билан уйғунлиги жиҳатидан бундай нашрларга қўйиладиган барча талабларга жавоб беради.

МУРАТОВ МАҲМУД МҮМИНОВИЧ



Министерство по делам
культуры и спорта
Республики Узбекистан



Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири

МАДАНИЯТЛАР ЎРТАСИДАГИ КЎПРИК

«Ўзбекистоннинг маданий мероси – мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги мулоқотга йўл» халқаро конгресс ташкилотчиларига миннатдорлик билдирамыз. Конгресснинг ўтказилиши кўлами жуда кенг – 120 дан ортиқ хорижий ва 100 дан ортиқ миллий олим ва экспертлар жалб этилди. У дунёнинг кўплаб мамлакатлари маданиятлари ўртасида ўзига хос кўприк бўлади, деб ҳисоблаймыз.

Айниқса, Ўзбекистоннинг хориж музейлари ноёб бадиий мероси ёритилган ажойиб альбомлар нашр этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу ҳайратомуз лойиҳа жаҳонда беқиёс. Ушбу тадбирнинг машҳур археолог, тадқиқотчи, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Эдвард Ртвеладзе таваллудининг 75 йиллик юбилеи байрамига тўғери келгани янада диққатга сазовордир. Мазкур тадбир дунё илм-фани вакиллари билан мулоқотни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг маданий-тарихий мероси сақланиши ва тарғиб қилиниши, шунингдек, музейлар ишини модернизациялашда муҳим ўрин тутушига ишонамыз. Ташиқил этилаётган халқаро конгресс сермахсул натижалар беради, деб умид қиламыз ва унинг муваффақиятли ўтишини тилаймыз.

БАХРОМ АБДУРАХИМОВИЧ АБДУҲАЛИМОВ



*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти,
тарих фанлари доктори*

АЖДОДЛАРИМИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ

Конгрессимиз «Ўзбекистоннинг маданий мероси дунё тўпламларида» кенг қамровли халқаро лойиҳанинг ўн жилди чоп этилишига мўлжалланди. Бу лойиҳанинг камтарона номи замирида Ўзбекистоннинг кўп асрлик тарихи ўрин олган. Кўп асрлар давомида бизнинг аجدодларимиз томонидан

Ўзбекистон шаҳарларида яратилган санъат буюмлари, ҳунармандчилик намуналари, айниқса археология артефактлари турли йўллар билан дунёнинг бошқа мамлакатларига бориб қолган. Ҳозирги вақтда улар дунёнинг энг яхши коллекцияларида муносиб ўрин эгаллади. Улар тарихимиз, машҳур санъатимизни бутун дунёга тақдим этишимизнинг ўзига хос шакли бўлиб қолди. Муҳими, бундай лойиҳалар аждодларимиз санъати ва маҳорати учун чин дилдан ифтихор тўйгуларини уйғортади, ўз маданиятимизга ҳурматни шакллантирамыз, дунё тамаддунига қўшган муносиб улушимизни теран ҳис қиламыз.

КРИСТА ПИККАТ



ЮНЕСКОнинг Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон бўйича Кластер бюроси директори, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили в. б.

МУЛОҚОТ. ЎЗАРО ТУШУНИШ. МАЪНАН БОЙИШ

Ўзбекистон маданий мероси миллий гуруҳнинг муҳим манбаи эканига ҳеч бир шубҳа йўқ. Унинг маданий ва табиий объектлари, айти Ичан қалъа, Бухоро ва Шахрисабзнинг тарихий марказлари, маданиятлар чорраҳаси Самарқанд ва Ғарбий Тянь-Шань муҳим универсал қадриятлар ҳисобланади ва ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон мероси объектлари рўйхатига киритилган. Маданий мероснинг олтига номоддий элементлари: Шошмақом, Бойсун туманининг маданий муҳити, Катта ашула, аския, Наврўз, палов тайёрлаш маданияти ва анъаналари инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатидан ўрин олган. «Ўзбекистоннинг маданий мероси - мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги мулоқотга йўл» халқаро конгрессининг бир қисми Самарқандда, Буюк Ипак йўлидаги афсонавий шаҳарда, илм-фан, санъат, маданият ва меъморчилик шаҳрида ўтказилиши ҳам рамзий маънога эга. Лойиҳанинг илмий-тадқиқот ишлари туфайли биз Ўзбекистонни дунёнинг қолган қисми билан бирлаштирадиган кўприк бўлиб хизмат қилувчи маданий ашёлар - нодир объектларнинг улкан миқдори ҳақида маълумотга эга бўламиз. Бугун ҳар қачонгидан ҳам кундалик ҳаётимизда мулоқот, ўзаро тушуниш ва маънан бойишни ривожлантиришда маданиятнинг роли жуда муҳим ҳисобланади.



ДОКТОР ТОМАС КУНЦЕ



Конрад Аденауэр номидаги фонднинг Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатли вакили

БИР-БИРИМИЗНИ ЯХШИРОҚ ТУШУНАЙЛИК

Француз социологи ва маданиятшуноси Клод Леви-Стросс шундай деган эди: «XXI аср ижтимоий фанлар асри бўлади ёки бутунлай бўлмайди». У, чамаси, ҳозир дунё тараққиётининг асосий муаммоси инсоннинг энг кенг ва теран маънода ўзини англаши билан боғлиқ эканини назарда тутган бўлса керак. Бугун инсон ҳаётининг барча жиҳатларини ижтимоий англаб етиши ўта муҳимдир. Бу ерда тарих, маданият ва санъат соҳасидаги позитив фуқаролик фаоллиги, муваффақиятли фуқаролик амалиёти катта ёрдам кўрсатиши мумкин. Конрад Аденауэр номидаги фонд ҳамини бундай маданий лойиҳалар ва ташаббусларни қўллаб-қувватлашни ўзининг устувор вазифаларидан деб қарайди. Барчага яхши маълум, Ўзбекистоннинг тарихий-маданий мероси, Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар каби энг ранг-баранг, кўп асрли маданий таъсирларнинг мураккаб интеграл маҳсулидир. Бутун дунёдаги эътибор ва қизиқишнинг пасаймаслиги сири ҳам шунда ва кўплаб мамлакатлар, жумладан Россия ва Германия музей амалиётида бунинг тасдиғига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Умид қиламизки, олис ўтмишнинг маданий ютуқлари, айниқса маданий трансфер ва ўзаро айирбошлаш маъносида бутун дунёдаги одамларга бир-бирини яхшироқ тушунишда ёрдам беради, демак, глобал таҳдидлар олдидан саъй-ҳаракатларни самарали бирлаштиради.



ПИОТРОВСКИЙ МИХАИЛ БОРИСОВИЧ



Давлат Эрмитажи бош директори, Санкт-Петербург, Россия

Халқаро музейлар кенгаши аъзоси, Европа кенгаши ҳузуридаги кўрғазмалар бўйича экспертлар қўмитаси аъзоси, ЮНЕСКОнинг Россия қўмитаси аъзоси, Илмий қизиқишлари доираси: Яқин Шарқнинг қадимги ва ўрта асрлар тарихи, Қуръон ва илк ислом маданияти, қадимги араб қўлёзмалари, мусулмон санъати. Кавказ, Ўрта Осиё ва Ямандаги қазималарда иштирок этган.



ЭЪТИРОФ ВА ЭЪЗОЗГА МОЛИК

«Ўзбекистон маданий мероси – халқлар ва маданиятлар ўртасидаги мулоқотга йўл» халқаро конгресси дунё музей ҳамжамияти учун муҳим воқеа бўлди. Эрмитаж дунёдаги энг йирик, нодир экспонатларни ўзида жамлаган музейлардан бири саналади. Ўзбекистон ҳудудидан келтирилган, унинг тарихидан ҳикоя қилувчи ноёб артефактлар ҳам музейимизнинг катта бойлиги саналади. Уларнинг музейимизга келиб қолиш тарихи халқларимиз ўртасидаги алоқаларнинг узоқ тарихга бориб тақалишидан дарак беради. Биз ушбу альбомларнинг чоп этилишини тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Конгресснинг барча қатнашчиларига омад тилайман ва унинг Ўзбекистон маданий мероси умумбашарият тарихининг узвий қисми сифатида янада кўпроқ шухрат қозонишига ишонаман.

ТРЕГУЛОВА ЗЕЛЬФИРА ИСМАИЛОВНА



Давлат Третьяков галереяси бош директори


Санъатшунослик номзоди. 2015 йилнинг 10 февралдан «Бутунроссия музей бирлашмаси – Давлат Третьяков галереяси» ФГБУК бош директори. Россия Федерацияси маданият вазирлиги фахрий ёрлиғи билан тақдирланган, «Интермузей» VII Бутунроссия фестивалининг (2005 й.) «Қасбий шаън ва шараф» мукофоти соҳиби. 2012 йили Россияда италян маданияти ва тили йилини ўтказишдаги хизматлари учун кавалер даражасидаги Италия Юлдузи ордени билан мукофотланган.



МАШҲУР ОЛИМЛАР ОРЗУСИ РЎЁБГА ЧИҚДИ

Бундан ярим асрдан кўпроқ вақт аввал Марказий Осиёнинг таниқли маданият тадқиқотчилари Галина Пугаченкова ва Лазарь Ремпель ўз китобларидан бири муқаддимасида афсус билан Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилган, дунёнинг турли музейларига тарқалиб кетган қадимий санъат асарларини бир нашрга тўплашнинг имкони йўқлигини ёзган эдилар. «Уларни жамлаб чоп этиш – келажакнинг иши», – деб ёзишганди ўшанда улар. Машҳур олимлар орзу қилган вақт ниҳоят келди ва бугун биз «Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида» йирик лойиҳасининг дастлабки жилдлари дунё юзини кўрганлигининг шохиди бўлиб турибмиз. Бу ёдгорликларнинг жуда катта тўплами, уларда қадимги даврлардаги нодир артефактлар ва ўрта асрлар санъати дурдоналари билан бир қаторда замонавий машҳур тасвирий санъат усталари, графиклар, ҳайкалтарошлар ва халқ амалий санъатининг ажойиб асарлари ҳам ўрин олган.

СЕДОВ АЛЕКСАНДР ВСЕВОЛОДОВИЧ



Шарқ Давлат музейи бош директори (Россия)

Тарих фанлари доктори, Фанлар академиясининг Россия экспедицияси бошлиғи. Яқин ва Ўрта Шарқ, Марказий Осиё мамлакатларининг қадимий тарихи, археология ва нумизматика соҳасидаги етакчи мутахассислардан бири. 160 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи ва ҳаммуаллифи (улардан етти таси монография), Россия ва хорижий академик журналлар ва даврий нашрлар редколлегиялари аъзоси, Германия археология институтининг муҳбир аъзоси, Россия ИКОМ Президиуми аъзоси.



ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АСАРЛАР – БУЮК ИШ

Менинг назаримда, ҳар қандай каталогларни, музей коллекцияларини чоп этиш буюк иш. Ва мазкур лойиҳа бу маънода жуда муҳим ва ноёб ҳисобланади. Унинг буюклиги биринчи навбатда шундаки, лойиҳада музей коллекциялари у ёки бу музей коллекциялари каталогини тузишда амалга оширилаётган ишлардан бирмунча бошқача тарзда, бошқача кўринишда тақдим этилган. Бир нашрда, бир альбомда музейимиздаги барча ашёларни тақдим этиш, декоратив-амалий санъат предметларини ҳам, этнографик буюмларни ва тасвирий санъат-график коллекциямизни ҳам бирлаштириш биз учун жуда қизиқарли.

ФРЕДЕРИК БОПЕРТЮИ-БРЕССАН



«Темурийлар тарихи ва санъати ассоциацияси» Президенти ва ҳаммуассиси. Темурийлар журнали муҳаррири. «Афросиёб тасвирий санъатини сақлаш» ассоциацияси вице-президенти


Темурийлар даври санъати ва тарихи бўйича мутахассис. Ўзбекистон ва Ўрта Осиёга амалга оширилган кўпгина маданий сафарлар ташкилотчиси. «Темурийлар тарихи ва санъати ассоциацияси» Президенти ва ҳаммуассиси (1988 йилдан хозирги вақтгача). *La Timuride* журнали муҳаррири (38 та сон). «*Sauvegarde de la peinture d'Afrasiab*» («Афросиёб тасвирий санъатини сақлаш») ассоциациясининг вице-президенти.



КАТТА ТААССУРОТ ҚОЛДИРАДИГАН СЕРМАҲСУЛ ИШ

Ўзбекистон бой, нодир маданиятга эга бўлган мамлакат, бу маданият чегаралар ортида ҳам акс садо бермоқда. Ўзбекистоннинг маданий ва тарихий меросини ўрганиш ва сақлашга қаратилган йирик лойиҳани амалга ошириш борасида ўз вақтида кўрсатилган ташаббус кишида ҳаяжон ва қувонч уйғотади. Шу муносабат билан мен «Ўзбекистоннинг маданий мероси жаҳон тўпламларида» лойиҳаси муаллифи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Фирдавс Абдуҳолиқовга ва илмий раҳбар, академик ва таниқли археолог, бугун ўзининг таваллуд кунини биз билан бирга нишонлаётган Эдвард Ртвеладзега миннатдорлик билдирмоқчиман. Бу тадбирда қатнашиш мен учун катта шараф! Ўнга китоб-альбомни нашр этиш – бу жуда кўп меҳнат талаб қиладиган ва кишида катта таассурот қолдирадиган иш, у Ўзбекистон ва Марказий Осиё тарихи ва маданиятини ўрганишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

ЕРМАКОВА ЕКАТЕРИНА СТАНИСЛАВОВНА



Шарқ Давлат музейи бўлим мудири

Тарих фанлари номзоди. Илмий ишнинг умумий йўналиши: Ўрта Осиё анъанавий санъати (тўқимачилик, заргарлик санъати кулолчилик). Ўрта Осиё ва Шимолий Кавказга қилинган кўплаб этнографик ва археологик экспедициялар, шунингдек, халқаро конференциялар иштирокчиси. Россияда хизмат кўрсатган маданият ходими (1999). Асосий эълон қилинган ишлари: «XIX аср – XX асрнинг бошларида Ўзбекистон ва Тожикистонда заргарлик безаклари». Коллекциялар каталоги. М., 1992; «Ислом сўз санъати». № 33, «Ўрта Осиё хазинаси», Лондон, 1998 йил; «Ўзбекистон каштаси Шарқ халқлари санъати давлат музейида»; «Ўзбекистон газламалари ва либослари Шарқ халқлари давлат музейи коллекцияларида» ва бошқа мақолалар муаллифи.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЭЪТИБОРИНИ ҚАЙД ЭТИШ ЖУДА ЁҚИМЛИ


Маданият ва санъатга оид бир қатор сермазмун лойиҳалар миллий маънавий маданият тикланиши ва ривожланишига туртки берди. Шундай Мажойиб лойиҳалардан бири «Ўзбекистоннинг маданий мероси жаҳон тўпламларида».

КРИСТОФ РАУХ



Берлин давлат кутубхонасининг Шарқ департаменти директори

Арабшунос мутахассис, қатор кўرғазмалар раҳбарларидан бири, Яман қўлғамалари (2012), *Diez* альбомлари (2013) ва бошқа кўплаб халқаро конференциялар ташкилотчиси.



МАМЛАКАТЛАР ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАБ

Берлин давлат кутубхонаси жаҳондаги энг муҳим академик илмий кутубхоналардан бири ҳисобланади ва Пруссия маданий мерос фонди таркибига киради. Унинг Шарқ бўлимида 43 000 га яқин Шарқ қўлғамалари бор, уларнинг 17 500 га яқини исломга тегишли. Бу қўлғамаларнинг аксарияти замонавий Ўзбекистон ҳудудлари билан боғлиқ. Биз Ўзбекистон маданият муассасалари ва тадқиқотчилари билан самарали ҳамкорликдан жуда хурсандмиз ва бу халқаро конгресс – мамлакатларимиз ва институтларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш учун жуда яхши имкониятдир.



МЕТРЕВЕЛИ РОИН ВАХТАНГОВИЧ



*Грузия Миллий Фанлар академиясининг вице-президенти
Академик*

ЎЗБЕК АЛЛОМАЛАРИ ЕВРОПАГА МАЪРИФАТ ТАРҚАТИШДА КЎПРИК БЎЛДИЛАР

Ўзбек илм-фани ва маданиятининг дунё тамаддуни ривожига кўп қиррали роли умум томонидан эътироф этилган. Қадимий ўзбек алломалари юнон файласуфлари билимлари Европага тарқалишида кўприк вазифасини ўтаганлар, яъни уларни шарҳлаб берганлар. Илмий манфаатларнинг мослиги ўзбек ва грузин олимларини қадим вақтлардаёқ яқинлаштирди. XVIII асрнинг биринчи ярмидаги тарихан ҳаққоний далил барчага яхши маълум: Грузин подшоҳи Вахтанг VI астрономияга жуда қизиққан. У Эронда бўлиб турганида машҳур ўзбек астрономи Улуғбекнинг «Зижи Кўрагоний» астрономик жадвалининг форсча матнини қўлга киритишга муваффақ бўлади. Шох Вахтанг нафақат бу қўлёзма матни грузин тилига таржима қилди, балки уни Петербургга ҳам олиб борди. Айни шу форсча қўлёзмадан «Зижи Кўрагоний»нинг тўла матни тикланган ва лотин тилига ўгирилган. Шундай қилиб, асар Фарбий Европа илмий доиралари мулкига айланган. Грузин ва ўзбек тарихчиларини ҳамкорликнинг мустаҳкам ришталари боғлаб турибди. Таниқли ўзбек олими, Ўзбекистондаги археологик тадқиқотлар классиги, кўплаб илмий ишлар муаллифи, бизнинг ватандошимиз, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Эдвард Ртвеладзе Грузия Фанлар академиясининг хорижий аъзоси эканини таъкидлаш биз учун ёқимли. У «Грузия шарафи» ордени билан тақдирланган. Шу кунларда академик Эдвард Ртвеладзе 75 ёшга киради. Грузия Фанлар академияси юбилярни сидқидилдан табриклайди ва мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва ижодий зафарлар тилайди.

МИШЕЛЬ А. ХАРДИ




«Nickel» галереяси куратори, Альбертедаги Калгари университети, Канада

Профессор, доктор. Маданий антрополог, унинг тадқиқотлари Осиёда тўқимачилик анъаналарининг ўзгариб боришини музейлардаги тўқимачилик коллекциялари орқали ўрганишни ўз ичига олади. Харди «Nickel» бадий галереясига 2005 йили кўшилди. У кўплаб кўргазмалар, жумладан, «Ўзбекистон тўқимачилиги: кўй шоҳи ва чаён думи» (2013, «Nickel» галереяси), «Нақиллар ранг-баранглиги: Жан ва Мари Эриксонлар коллекцияси» (2007 йил «Nickel» галереяси) кўргазмаларига ҳам раҳбарлик қилган. Ислом дунёси халқ тўқимачилигидаги ва ундаги ўзгаришларга бағишланган кўплаб мақолаларини chop эттирган.

ЎЗБЕК МАДАНИЯТИ ҲАҚИДАГИ БИЛИМЛАРИМНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТИ

Калгари университетининг «Nickel» галереясидаги ҳамкасбларим номидан «Ўзбекистоннинг маданий мероси – мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги мулоқотга йўл» халқаро конгресси иштирокчиларини самимий қутлаётганимдан хурсандман. Конгресс ишида қатнашиш ва таассуротларим билан ўртоқлашиш ҳамда ўзбек маданияти ҳақидаги тушунчаларимни чуқурлаштириш имконияти мен учун катта шараф. «Ўзбекистоннинг маданий мероси» альбому чиқиши билан табриклашга ижозат бергайсиз. Бу жилдлар мен англаб етишга интилаётган ўзбек маданиятини ўрганиш ва тушунишга муҳим ҳисса бўлиб кўшилади. Конгресс ташкилотчилари, жумладан Фирдавс Абдухолиқовни бу қадар маърифий тадбир билан қутлаймиз, хурматли доктор Эдвард Ртвеладзени эса 75 ёши билан чин дилдан муборакбод этамиз.

ШИШЛИНА НАТАЛЬЯ ИВАНОВНА



*Давлат тарих музейининг археология бўлими мудири, Москва, Россия.
Тарих фанлари доктори*



КИТОБЛАР ҲАҚИҚИЙ МАДАНИЙ МЕРОС БЎЛИБ ҚОЛАДИ

«Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» – ноширлик лойиҳасини жуда ажойиб ва муҳим, деб ҳисоблайман. Унинг вазифаси Россия ва Ўзбекистоннинг турли музейларида сақланаётган маданият, археология ёки тарихий, тасвирий санъат предметларида, ҳатто ҳозирги санъат асарларида сақланган тарихий манзараларни бутун гўзаллиги билан тақдим этишга қаратилган. Бу китоблар биз ва сизнинг, хусусан Ўзбекистонда яшаётган, ўз маданий мероси билан гурурланадиган халқларнинг ҳақиқий маданий меросимиз бўлиб қолади.

ДОКТОР ГЕНИЧИ ЦУГЕ



Токио санъат университети, профессори, доктор

*Токио санъат университетининг музыка факультети ўқитувчиси. 2005 йили унга хизмат кўрсатган профессор унвони берилган. Этник музикашунослик соҳасидаги профессор даражасини Веслиан университетида олган (Миддлтон, Коннектикут, АҚШ). Унинг яқинда эълон қилган ишлари: «The Qalun: An Uyghur Psaltery Depicted in Persian Miniatures» in *Imago Musicae XXIV* (2011: 43-59) ва «Musical Instruments Described in a Fourteenth-Century Persian Treatise Kanz al-tuhaf» in the *Galpin Society Journal LXVI* (2013: 165-259)*



РАҚАМЛИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВОСИТАСИДА

Имкониятдан фойдаланиб конгресс иштирокчиларини қутлайман ҳамда Ўзбекистон архивлари, кутубхоналари ва музейлари ўзларининг бой қимматли ресурсларини, жумладан қадимий қўлёзмалар, миниатюралар, музыка яратиш ва тарихий музикавий чолғу асбоблари билан боғлиқ иконографик объектларини бутун дунёдаги ҳар бир тадқиқотчига рақамли қайта ишлаб чиқариш воситасида тақдим этишларини илтимос қилган бўлар эдим.

ЦАРЕВА ЕЛЕНА ГЕОРГИЕВНА



РФА Буюк Пётр (Кунсткамера) номидаги Антропология ва этнография музейи етакчи илмий ходими, Санкт-Петербург, Россия.

Тарих фанлари номзоди



ДУНЁ АМАЛИЁТИДА ҚИЁСИ ЙЎҚ

«Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўшамларида» лойиҳаси ишлаб чиқилган дастурининг кўламдорлиги ва амалга оширилаётган ишларнинг ўта муҳимлиги билан хайратга солади ва ақл бовар қилмас даражада мураккаб ва улкан ишга қўл урган унинг муаллифи Ф. Абдухоликов ҳамда илмий раҳбар Э.В. Ртвеладзе жасоратига тан бермай илож йўқ. Зеро, Ўзбекистоннинг улкан маданий меросини тўшлаш ва жаҳон жамоатчилигига тақдим этиш жуда машаққатли вазифа. Дунё амалиётида бундай лойиҳа бўлмаган. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мамлакат тарихидаги кўплаб нодир ходисаларнинг ўзаро боғлиқ ҳаракатида шаклланган ва ўзига Евроосиё тамаддунининг энг катта ютуқларини сингдирган минтақанинг қадимий ёдгорликларини тўшлаш ва чоп этишга қаратилган лойиҳа ғоясининг ўзи бебаҳо ҳисобланади.

КЭТРИН ПУЖОЛЬ



Шарқ тиллари ва тамаддулари Миллий институтининг Евроосиё департаменти профессори (INALCO), IFEASнинг Бишкекдаги минтақавий директори (Франция Марказий Осиё тадқиқотлари институти)

Илмий йўналиши: Замонавий Марказий Осиё тарихи ва тамаддуни, маданиятлараро алоқалар, ислом, мустамлака давридан давлатлар мустақиллигигача.



БОЙ КОЛЛЕКЦИЯЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИКОЯ ҚИЛИШНИ ИСТАЙМАН

Ўзбекистон маданий мероси бой илдизларга эга ва унинг бир қисми Ўзбекистондан олис ташқарида сақланади. «Ўзбекистоннинг маданий мероси-мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги мулоқотга йўл» конгресси иштирокчиси сифатида замонавий Ўзбекистоннинг бадий мероси билан боғлиқ бўлган ва Франция ҳамда Швейцария музейларида сақланаётган бой коллекциялар ва уларнинг тарихи ҳақида ҳикоя қилишни ўз вазифам деб биламан. Масалан, Гимет музейида сўғд ашёларининг ажойиб коллекцияси сақланади, Мовароуннаҳр ислом санъати асарлари Лувр музейидан ўрин олган. «Анри Мозер Шарлоттенфельс артефактларининг шарқона коллекцияси» – қурол-аслаҳалар, ов ашёлари, ўлжалар Швейцариянинг Берн шаҳридаги тарих музейида сақланмоқда. Улар санъат асарларининг машҳур коллекционер ва фотограф Анри Мозер Марказий Осиё, Туркистон ва Бухорога амалга оширган тўртта илмий миссия чоғида (1868-1869, 1870, 1883-1884 ва 1889-1890) қўлга киритилган.

АНДРЕЕВА ГАЛИНА БОРИСОВНА



Бутунроссия декоратив-амалий ва халқ санъати музейи бош маслаҳатчиси

Санъатшунослик номзоди, Россия давлат мукофоти соҳибаси, Кембриж ва Йель университетларининг таклиф этилган аъзоси. ЮНЕСКО эксперти. Бир қатор халқаро маслаҳат қўмиталари ва танловлар ҳайъати аъзоси. Тасвирий санъат музейлари халқаро қўмитаси аъзоси, ЮНЕСКО қошидаги (ICFA/ICOM) Халқаро музейлар қўмитаси аъзоси, Россия ИКОМ Президиуми аъзоси. Москва рассомлар уюшмаси аъзоси. Буюк Британия ва Яқин Шарқдаги халқаро маданий ҳамкорлик бўйича маслаҳат қўмиталари аъзоси. Қирқ йилдан ортиқ вақтдан бери музей соҳасида ишлайди, халқаро бадий алоқалар ва музейлар ҳамкорлиги масалалари билан шуғулланади. Юздан ортиқ илмий ишлари дунё халқларининг еттига тилида чоп этилган. Ҳозирги вақтда Бутунроссия декоратив-амалий ва халқ санъати музейининг Бош маслаҳатчиси. Москва.



ЎЗБЕКИСТОН БОЙ МЕРОСИНИНГ УМУМИЙ МАНЗАРАСИ

«Ўзбекистон маданий мероси дунё тўшамларида» лойиҳасини ғояси ва қўйилган мақсад-вазифалари бўйича ноёб деб ҳисоблаш мумкин. Биринчи марта мамлакатлар ва қитъалар музей фондлари географик камраб олинган ҳолда Ўзбекистон ҳудудида яратилган, шу замин тарихи, унинг маданияти тарихи билан боғлиқ бўлган рассомлик асарлари, юкори маҳорат билан ишланган предметлар, камёб артефактлар, бебаҳо қўлёмалар ва бошқа ноёб буюмлар чоп этилмоқда. Иш жараёнида олимлар ва музейлар мутахассисларининг саъй-ҳаракатлари бирлаштирилмоқда, замонавий нуқтаи назардан маданиятлар ва анъаналарни ўзаро бойитиш йўлида биргаликда қайта кўриб чиқиш ва фикрлашни талаб этувчи масалалар кўтарилмоқда. Халқаро музейлар кенгаши аъзоси ва ЮНЕСКО эксперти сифатида бир вақтнинг ўзида лойиҳанинг ноширлик қисми амалга оширилаётгани ва бу қадар нуфузли конгресс ўтказилаётгани менга жуда қадрлидир. Бу дунёга Ўзбекистоннинг бой моддий ва номоддий меросининг ягона манзарасини намойиш этади.

МАТТИАС РЕССЛЕР



Саксония Федерал Ери Парламенти раиси

Профессор, доктор

ДУНЁНИНГ ТУРЛИ МИНТАҚАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ КЎПРИКЛАР

«Ўзбекистоннинг маданий мероси жаҳон тўшамларида» лойиҳаси мен учун жуда муҳим ва ҳаяжонли. Ахир Ўзбекистон тарихий илдишлари олис қадим даврларга бориб тақалувчи бой маданий меросга эга бўлган мамлакат. Шунинг учун Ўзбекистоннинг маданий мероси предметларини кўрсатиш, уларни нафақат Германияда, балки дунёнинг бошқа музейларида ҳам намойиш қилиш катта аҳамиятга молик. Улар бошқа миллатлар маданияти ривожига қандай ҳисса қўшганини кўрсатиш лозим. Агар, масалан, Саксонияни оладиган бўлсак, бизда жуда ноёб экспонатлар, зеб-зийнатлар, гиламлар, қимматли китоблар бор. Асосийси одамлар эътиборини бу буюмлар Ўзбекистонда яратилганига қаратиш зарур. Бу эса уни янада оммалаштиришга ёрдам беради. Маълумки, маданият дунёнинг турли қисмлари ўртасига кўприк қуради. Маданий ўзаро муносабатлар – сиёсий ҳамкорлик асоси ҳисобланади. Улар бошқа халқларни яхшироқ тушунишга ёрдам кўрсатади ва улар билан яқинлаштиради.



КАРЛ МОЛДАХМЕТОВИЧ БАЙПАКОВ



«Маданиятларни яқинлаштириш халқаро маркази», Қозоғистон Республикаси

ГЎЗАЛЛИК ВА МАДАНИЯТ ДУНЁНИ ҚУТҚАРАДИ

Мен «Ўзбекистоннинг маданий мероси – халқлар ва давлатлар ўртасидаги мулоқотга йўл» конгресси ташкилотчиларидан унинг ишида қатнашишга таклиф қилганлари учун миннатдорман. Маданий меросни сақлашга катта ҳисса қўшаётган ўзбекистонлик ҳамкасбларимни, археологларни қутлашдан мамнунман. Конгресс доирасида Ўзбекистоннинг буюк археологи – академик Эдвард Васильевич Ртвеладзени шарафлаш маросими ўтказилиши менга жуда манзур бўлди. Конгресс ҳар қачонгидан ҳам долзарб, ўз вақтида ташкил этилмоқда, бундай анжуманлар бундан кейин ҳам ташкил қилинаверади, зеро дунёни маданият ва гўзаллик қутқаради, уни барқарор ва самимий қилади.



РЕЗВАН ЕФИМ АНАТОЛЬЕВИЧ



РФА Буюк Пётр номидаги Антропология ва этнография музейи (Кунсткамера) директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, Санкт-Петербург, Россия
Тарих фанлари доктори, профессор



ЎЗБЕК МАДАНИЯТИНИНГ ВИРТУАЛ МУЗЕЙИ

Бу жуда муҳим лойиҳа, негаки Ўзбекистондан ташқарида ҳақиқий хазиналарнинг улкан қисми сақланмоқда, уларни аллақачон ягона тўпламга умумлаштириш лозим эди. Менинг фикримча, бу лойиҳа дунёнинг турли мамлакатлари, биринчи навбатда Россияда сақланаётган Ўзбекистон билан боғлиқ барча артефактларни асосли равишда инвентаризациядан ўтказиш томон қўйилган муҳим қадамдир. Чунки, ниманидир жиддий ўрганиш, синчиклаб тадқиқ қилиш ёки реставрация қилишга қўл урсак, олдимизда янги, хайратомуз дунё очилади. Мен унга катта тизимли ишнинг бошланиши деб қарайман ва у тармоқда ҳар бир кишига етиб борадиган бир неча тиллардаги ўзбек маданиятининг виртуал музейи сифатида яқунланиши лозим деб ҳисоблайман.

БРИЗГАЛОВ МИХАИЛ АРКАДЬЕВИЧ



Глинка номидаги Бутунроссия муסיқий маданият музейлари бирлашмаси бош директори, Россия

Иқтисодиёт фанлари номзоди, РФда хизмат кўрсатган санъат арбоби



ТАРИХ СИЗЛАРНИНГ УЛКАН ВА ЖУДА МУҲИМ ИШИНГИЗГА БАҲО БЕРАДИ

Бу лойиҳа ҳақида эшитганимдан кейин мени бу иш билан шуғулланаётган ҳамкасбларимдан фахрланиш туйғуси қил этилгани кишини қувонтиради. Халқ меросини ўрганиш ва лойиҳанинг маърифий мақсади, шубҳасиз, келажак авлодларга топширилади. Лойиҳа шарофати билан нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё ёшлари аجدодларнинг бой маданий меросидан воқиф бўладилар. Мен бу лойиҳани юқори баҳолайман ва сизларни унинг амалга оширилиши билан табриқлайман. Бу ташаббус давлат даражасида баҳоланиши лозим. Тарих ҳамма нарсага ҳукм чиқаради ва айнан у сизларнинг улкан ва жуда муҳим ишингизга ўз баҳосини беради.

ОМЕЛЬЧЕНКО АНДРЕЙ ВЛАДИМИРОВИЧ



Давлат Эрмитажининг Шарқ бўлими Ўрта Осиё, Кавказ ва Қрим секторининг катта илмий ходими

Тарих фанлари номзоди. Давлат Эрмитажининг Бухоро археология экспедицияси раҳбари. Давлат Эрмитажи ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Археология институти томонидан ташкил этилган қўшма Бухоро археология экспедицияси катнашчиси (2004); Тошкент давлат университетининг (Ўзбекистон Миллий университети) Қашқадарё археология-топография экспедицияси иштирокчиси (1990–2003).



БУНДАЙ КИТОБ-АЛЬБОМЛАР ҲОЗИРГА ҚАДАР НАШР ЭТИЛМАГАН

Лойиҳа менга жуда қизиқарли ва ўта долзарб кўринмоқда. Уни амалга оширишда Давлат Эрмитажи ҳам фаол қатнашмоқда. Ўзбекистон осори-латиқаларининг дунё миқёсидаги энг катта тўпламга бағишланган китоб-альбом нашр этиш ташаббуси туфайли биз кенг китобхонлар оммасига бизнинг қадимий музейимизда авайлаб сақланаётган ноёб ашёларни намойиш этишга муваффақ бўлдик. Ўзбекистонга бағишланган бундай хилдаги китоб-альбомлар Эрмитажда ҳозирга қадар нашр этилмаган. Ўз навбатида бўлажак конгресс Ўзбекистоннинг қадимий заминидаги бой тарихий-маданий меросни ўрганиш ва оммалаштириш соҳасида халқаро илмий алоқаларни ривожлантиришда муҳим босқич бўлади, деб ишонч билдираман.

АРЖАНЦЕВА ИРИНА АРКАДЬЕВНА



*Евроосий археология маркази мудури,
РФА Этнология ва антропология институтининг етакчи илмий ходими, Россия*

Тарих фанлари номзоди. 1978 йил Г.В. Шишкина ва О.Н. Иневаткина билан бирга Афросийб безакларини қайта ишлашда қатнашган.



ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ТАКЛИФ МЕНИ ЖУДА ХУРСАНД ҚИЛДИ

Менга «Ўзбекистоннинг маданий мероси жаҳон тўшамларида» лойиҳасида қатнашиш жуда ёқимли бўлди, негаки Ўзбекистон менинг археологик карьерамнинг бошланиши бўлган ва шунинг учун ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги таклифдан мамнун бўлдим. Бундан ташқари мен кейинги йилларда шуғулланган Хоразм экспедицияси мавзуси менга жуда яқин ва бу альбомни «Хоразм экспедицияси архиви» деб номлашни таклиф қилганим тасодифий эмас. Бу экспедиция, унда қатнашган мутахассислар сабабли ҳам жуда қизиқарли, бироқ унинг ўзи дунё миқёсида тенгсиздир.

ФРОЛОВА СВЕТЛАНА АНАТОЛЬЕВНА



*Қозон (Волгабўйи) федерал университетининг музей-кўргазма мажмуаси
рахбари, Қозон университети тарих музейи директори.*

Тарих фанлари номзоди, доцент. Илмий концепциялар муаллифи ва «Остров-град Свияжск» музей-қўриқхона-сидаги 40 га яқин кўргазма раҳбари. Свияжск тарихий-меъморий ва маънавий меросига бағишланган халқаро ва Бутунроссия илмий-амалий семинарлари, конференциялар, конгресслар ташкилотчиси ва иштирокчиси.



БУ КОНГРЕСС – МУҲИМ МУНОЗАРА ВА ИЖОДИЙ МАЙДОН

Бу конгресс – дунё тамаддуни тарихида ўзбек маданиятининг роли ва ўрнини аниқлаш имконини берувчи муҳим мунозара ва ижодий майдон. Илмий ва маданий оламдаги бу қадар муҳим воқеада иштирок этиш имконияти учун ташкилотчилардан сизқидилдан миннатдорман. ҚФУнинг Н.И. Лобачевский номидаги илмий кутубхонаси қўлёзмалар ва ноёб китоблар бўлимида турк-татар тилларидаги қўлёзмалар коллекцияси (6000 га яқин) сақланмоқда, албатта, уларнинг фақат Ўзбекистонга тегишлиларини ажратиш кўрсатиш жуда қийин. Ишонаманки, бундан кейинги ишлар Татаристон Республикаси музейлари тўшамларидаги Ўзбекистон маданий меросига тегишли артефактлар миқдорини кенгайтириш, Ўзбекистон олимлари билан биргаликда этник маданий ўзаро алоқалар ва маданий ранг-баранглиқдан ёрқин далолат берувчи бу коллекцияларни аниқлаш ва ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш имконини беради.

ПОПОВА ИРИНА ФЕДОРОВНА



*РФА Шарқ қўлёзмалари институти директори, тарихчи-хитойшунос
Тарих фанлари доктори, профессор*



ХАЙРЛИ МАҚСАД

«Ўзбекистоннинг маданий мероси – мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги мулоқотга йўл» илмий конгресси турли мамлакатларнинг етакчи илмий марказлари, музей ва кутубхоналари иштирок этаётган «Ўзбекистон маданий мероси дунё тўшамларида» маданий-маърифий лойиҳасини амалга оширишда муҳим қадам бўлади. Ўзбекистон замини қадимий ўзига хос тарихга ва бетакрор маданий анъаналарга эга, турли дунё тўшамларига тарқалиб кетган санъат асарлари, қўлёзмалар ва китоблар бунинг далилидир. Лойиҳа ташкилотчилари уларни ягона медиа маконда бирлаштириш ва Ўзбекистон халқлари маданиятининг дунё аҳамиятига моликлиги, бойлиги, гўзаллиги ва ноёблиги далили сифатида тақдим этишдек хайрли мақсадни ўз олдларига қўйганлар.

БЕРТИЛЬ ЛИОННЕ



Илмий тадқиқотлар миллий маркази тадқиқотлар бўйича фахрий директори. Париж, Франция

Фан доктори, профессор, археолог. Узок вақт (1972-2011) Ўрта Осиё қазимида ишларида фаолият олиб борган, кулолчилик бўйича мутахассис. Профессор Франц Грене ва доктор Мухаммаджон Исомиддинов раҳбарлигида Афросиёб ва Кўктепада ўтказилган Француз археология миссиясида топилган сопол буюмларни ўрганади. Самарқанддаги археология институтида ўтказилган сопол буюмлар кўргазма-тақдироти ташкилотчиси. Франция илмий тадқиқотлар миллий марказида фан бўйича директор. 160 га яқин мақола ва 3 та китоб муаллифи. Айни вақтда у бронза асридан мўеуллар босқинигача бўлган даврдаги сўед кулолчилигига бағишланган нашрни тайёрлаш билан шуғуланмоқда (Афросиёб ва Кўктепа).



БУ – БЕҚИЁС АНЖУМАН

Мен ушбу конгрессга таклиф этганлари учун ташкилотчиларга миннатдорлик билдиришни истайман. Ўзбекистон ўтмишининг буюк ва ажойиб дурдоналарни қолдирган тарихнинг мароқли саҳифаларини бошдан кечирди. Уларнинг кўпчилиги музейларда сақланмоқда, қолганлари қазимида ишларида топилади ва музейларда кенг аудиторияларга тақдим этилади. Бу қиёси йўқ анжуман – Ўзбекистоннинг буюк маданий мероси билан танишиш учун ажойиб имкониятдир.

ГРУСМАН ВЛАДИМИР МОИСЕВИЧ



Россия Этнография музейи директори


Педагогика фанлари доктори, доцент, Россия Федерациясида хизмат кўрсатган маданият ходими



МУНОСАБАТЛАРИМИЗНИНГ ЯНГИ ТАРИХИДАГИ БИРИНЧИ ЛОЙИХА

Бу лойиҳа публицистик ва илмий ҳамжамият экспертлари томонидан фавқулодда юқори баҳоланди. Бизнинг Этнография музейимиз «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» кўшма лойиҳасида энг фаол иштирок этаётгани бежиз эмас, негаки бизда Ўзбекистон бўйича ажойиб ва ноёб коллекция сақланади. Шундай нарсалар борки, уларни XIX асрнинг 90-йилларида олиб келишган, улар тўқимачилик буюмлари, кўча қўғирчоқлари коллекциялари, уларнинг ёши камида 100 ёки 150 йилга тенг. Коллекцияда, шунингдек, мутлақо камёб буюмлар – совға қилинган қурол-аслаҳалар, от абзаллари ҳам бор. ...Бу мутлақо бетакрор буюмлардир. Россия Этнография музейидаги маданий мероснинг энг яхши намуналарига бағишланган юксак бадий матбаачилик даражасида ишлаб чиқилган нашр кўшма лойиҳа бўлди.

ЗЕЛЮКИНА ТАТЬЯНА СЕРГЕЕВНА



Давлат Третьяков галереясининг XX асрнинг биринчи ярми тасвирий санъати бўлими миллий рассомчилик мактаблари фонди хазинабони

Тарих фанлари номзоди, доцент. Илмий концепциялар муаллифи ва «Остров-град Свияжск» музей-қўриқхонасидаги 40 га яқин кўргазма раҳбари. Свияжск тарихий-меъморий ва маънавий меросига бағишланган халқаро ва Бутунроссия илмий-амалий семинарлари, конференциялар, конгресслар ташкилотчиси ва қатнашчиси.



БИЗ БУ МЕРОСНИ САҚЛАШИМИЗ ЛОЗИМ

Илмий конгресс доирасида лойиҳа тақдироти ўтказилишини билиб жуда қувондим. Давлат Третьяков галереясидаги тасвирий санъат ва графика коллекцияси тўғрисидаги китоб-альбомни тайёрлашда фаол иштирок этиб, архив ҳужжатлари билан ишладим ва ўзим учун жуда кўп янгиликлар кашф қилдим. Шуниси ҳам диққатга сазоворки, бундай альбомлар деярли барча йирик музей тўпламлари бўйича тайёрланмоқда. Гўзал иллюстрацияли альбомлар, ажойиб репродукцияли асарлар буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, жуда қўламдор ва залворли. Биз бу меросни сақлашимиз керак.

РУС МУЗЕЙИ

(Санкт-Петербург, Россия)



ДУНЁ МАДАНИЙ МАКОНИ ЯРАТИЛИШИГА ҚЎШИЛГАН УЛКАН ҲИССА

Ушбу лойиҳа доирасида улкан тадқиқот ишлари олиб борилди, у ўзбек халқининг тарихий, маданий ва интеллектуал меросини сақлаш, бойитиш ва оммалаштиришга ёрдам беради. Бу кўламдор лойиҳа халқаро хусусият касб этиб, кўплаб олимлар қалбида, кўплаб мамлакатлар ва маданият муассасаларида акс садо берди, бу эса шубҳасиз, унинг дунё ҳамжамияти учун долзарблиги ва илмий аҳамиятидан далолат беради. Ишонамизки, лойиҳа дунё маданий-ахборот ва маънавий эстетик маконини яратишга улкан ҳисса қўшади.

ТАРИХ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ ЖАМОАСИ


(Москва ш., Россия)



ТАКЛИФНИ ИШТИЁҚ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛДИК

Тарих давлат музейининг илмий жамоаси «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўшамларида» номли ажойиб маданий-маърифий лойиҳасида иштирок этиш таклифини иштиёқ билан қабул қилди. Бизга Москвада сақланаётган ўзбек маданиятининг қимматли ёдгорликларини шундай нуфузли анжуман минбаридан тақдим этишдек юксак шарафли вазифа топширилди. «Ўзбекистоннинг маданий мероси – халқлар ва давлатлар ўртасидаги мулоқотга йўл» илмий конгресси ташкилотчиларига миннатдорлик билдирамыз ва унинг барча иштирокчиларига ишда муваффақиятлар тилаймиз. Конгресс мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантиришга ёрдам кўрсатишига ишонамыз.

КЭРОЛ БЬЕР



Тўқимачилик музейи (Вашингтон, АҚШ)

Ислон санъати тарихи бўйича эксперт. Берклидаги ислон тадқиқотлари марказининг таклиф этилган илмий ходими. Вашингтондаги Жорж Вашингтон университети қошидаги музей илмий ходими, Колумбия округи, у бу ерда Шарқий ярим шар коллекцияси раҳбари бўлган (1984–2001 й). Америка тўқимачилик жамияти президенти бўлган (2006–2008 й). «Розенборгда Эрон духобалари» (Копенгаген, 1995 йил), «Юракдан тикилган, қалбдан ўралган: Эроннинг сафавийлар ва қожорлар тўқимачилиги санъати» (Вашингтон, 1986 йил) китобининг ҳаммуаллифи, Тўқимачилик музейи журнали муҳаррири (1992–2002 й.), Шарқ гиламдўзлиги, ислон санъатида нақилар ва ислон дунёси тўқимачилик санъатига тааллуқли кўплаб илмий ишлар муаллифи.



ЎЗБЕКИСТОН ТАМАДДУНИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИГА ЎТИШ

Ўзбекистон Республикасидаги ҳамкасбларим ва Тошкентдаги лойиҳа ташаббускорларига муҳим лойиҳанинг ажойиб концепцияси учун миннатдорлик изхор этаман. Зеро, у Ўзбекистондагина эмас, балки дунёнинг турли мамлакатларидаги университетлар ва музейлардаги академик ҳамжамият олимлари ва раҳбарларининг эътиборини ўзига жалб этади. Шундай яхши китоблар нашр этганингиз ва Ўзбекистоннинг улуғвор мероси шарафига барчамизни бирлаштирувчи ва дунёнинг машҳур коллекцияларида унинг ўрнини эътироф этиш учун конгресс ташкил этишга муваффақ бўлганингиздан жуда хурсандман. Барчангизга бу ишда эзгу тилаклар билдираман. Ўзбекистоннинг маданий мероси билан таништириш бўйича лойиҳа ва миллий ва, хорижий экспертларнинг таклиф этилиши – Ўзбекистон тамаддунини тадқиқ этишда янги босқич ва катта воқеалик.

ВОЯКИН ДМИТРИЙ АЛЕКСЕЕВИЧ



*Қозоғистон Республикаси Бутунжаҳон мероси миллий қўмитаси
раисининг ўринбосари. Тарих фанлари номзоди*

«Инак йўли-ЮНЕСКО» – мамлакатлар ва авлодларни бирлаштирувчи ришта» халқаро лойиҳаси иштирокчиси



МЕРОС – БОҚИЙ БУЮКЛИК ВА ДЕФИНИЦИ

Конференция иштирокчиларини сидқидилдан қутлар эканман, «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» лойиҳаси намунасида янги ғоялар ва лойиҳалар юзага келишига ишонаман, сермахсул битимлар тузилади, тарихий-маданий меросни ўрганиш, сақлаш ва оммалаштиришга интилишга янги илҳом бахш этади! Бу қадар йирик тадбирнинг ўтказилиши Ўзбекистоннинг бой меросига бўлган муносабатнинг яна бир ёрқин мисолидир. Зеро, мерос – боқий буюклик ва дефиниция. У халқлар, мамлакатлар, авлодлар, бизнинг ўтмишимиз, бутунги кунимиз ва истиқболимизни боғловчи ришта!

ПРОКОПЬЕВА НАТАЛЬЯ НИКОЛАЕВНА



*«Россия этнография музейи» директорининг музейдаги нодир буюмларни
ҳисобга олиш, сақлаш ва таъмирлаш бўйича ўринбосари (Санкт-Петербург)*

Тарих фанлари номзоди

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИ ЭКСПОЗИЦИЯСИ – ЭНГ КАМ ТАҚДИМ ҚИЛИНГАН КЎРГАЗМАЛАРДАН БИРИ

Ўзбекистон халқлари экспозицияси Россия этнография музейидаги энг кам тақдим этилган экспозициялардан ҳисобланади, бироқ, маълумки, музейлар муҳитида барча ашёларни намойиш қилиш имконияти йўқ. Кўргазма фаолияти ашёлар қаторларини кенгайтириш имконини беради, бироқ бу ҳам вақтинча ҳолат. Шунинг учун Россия этнография музейини «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» лойиҳаси бўйича ҳамкорлик қилишга билдирилган таклиф бир томондан қонуний ҳол деб қабул қилинди, иккинчи томондан, музей тўпламларидаги ўша бойликлардан кенг жамоатчиликни баҳраманд этиш учун берилган имкониятдан жуда хурсанд бўлдик. Музейнинг энг яхши мутахассислари «Ўзбекистон маданий мероси хазинаси Россия этнография музейи тўпламида» наشري устида Ўзбекистондек мамлакатнинг қадимий кўп қиррали маданияти артефактлари авайлаб сақланаётгани ва ўрганилаётганини намойиш этиш учун сидқидилдан иш олиб бордилар.



ДОКТОР МАРЕК ЯН ОЛЬБРИХТ



Жешува университети (Польша)

Профессор, фан доктори, Ғарбий ва Марказий Осиё тарихи ва археологияси бўйича мутахассис. Илмий тадқиқотларининг асосий мавзулари Буюк Инак йўли тарихи, Осиё тарихида эллинистик давр ва бошқалардан иборат. Ҳозирги вақтда Жешува университетининг қадимий тарих ва шарқшунослик кафедраси мудири ҳисобланади. Польша Фанлар академиясининг Шарқий қўмитаси аъзоси. 2007–2009 йилларда Ўзбекистонда дала ишларида қатнашган.



ЙИРИК ВА ЭЪТИБОРГА МОЛИК ВОҚЕА

Мен кўплаб миллий, хорижий экспертлар қатнашадиган, уларга Ўзбекистоннинг бой маданий мероси таништирилайдиган «Ўзбекистоннинг маданий мероси – халқлар ва давлатлар ўртасидаги мулоқотга йўл» халқаро конгресси ташкилотчиларига миннатдорчилик билдиришни истардим. Бу йирик ва эътиборга молик воқеа, шубҳасиз, Ўзбекистон тамаддунини тадқиқ этишнинг янги босқичи бошланганидан далолат беради.

ТИТОВА ЕЛЕНА ВИКТОРОВНА



*Бутунроссия декоратив-амалий ва халқ санъати музейи директори,
Москва*


РФ да хизмат кўрсатган маданият арбоби. 15 йилдан бери «Миллий санъатга ёрдам» фонди вице-президенти, Россия дизайнерлар уюшмаси аъзоси, 2000 йилдан «Россия бадиий шишасозлиги» фонди президенти, 2013 йилдан «Бутунроссия декоратив-амалий ва халқ санъати музейини ривожлантириш ва ижодий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди» президенти.



ЛОЙИХАНИ КАТГА ИСТИҚБОЛ ВА ЯНГИ ИЛМИЙ КАШФИЁТЛАР КУТАДИ

Бўлажак конгресс доирасида «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» лойиҳаси тақдироти ўтказилиши режалаштирилмоқда. Бутунроссия декоратив-амалий ва халқ санъати музейи бир неча йилдан бери лойиҳа билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу йирик халқаро лойиҳа доирасида эришилган натижалардан бири 2016 йили ташкил этилган «Ўзбекистон маданий мероси хазинаси» кўргазмаси бўлди. Кўргазмани ташкил этишда бизга Давлат Третъяков галереяси, Шарқ давлат музейи, шунингдек, қатор хусусий коллекциялар ҳамкорлик қилишди. «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон музейларида» лойиҳаси миллий ва дунёнинг етакчи мутахассисларида яна ушбу катта ва ранг-баранг материалга, яқиндагина барчамиз учун умумий бўлган маданият майдонидаги Ўзбекистон маданий меросининг тақдири ва гуллаб яшнаган даврлари тўғрисидаги қимматли архив манбаларини ўрганиш борасида катта қизиқиш уйғотди. Ишонаманки, лойиҳанинг истиқболи порлоқ, унинг доирасида турли мамлакатлар мутахассислари бирга иш олиб борадилар, янги кашфиётлар ва материаллар юзага келади.

ЕМЕЛЬЯНЕНКО ТАТЬЯНА ГРИГОРЬЕВНА



*Россия этнография музейининг етакчи илмий ходими,
Санкт-Петербург, Россия*


Тарих фанлари доктори



МУНОСИБ ҲИССА

Хозирги вақтда Россия этнография музейида Ўзбекистон халқларининг анъанавий-маиший маданиятининг 20 мингдан ортиқ ёдгорликлари сақланмоқда, улар бир асрдан кўпроқ вақт давомида тўпланган. «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» лойиҳасида қатнашиш музей учун нафақат авайлаб сақлаб келинган декоратив-амалий санъатнинг энг яхши намуналарини намойиш қилиш учун яна бир имконият бўлди, шу билан бирга у музейга Ўзбекистон халқлари тарихий-маданий хазиналарини оммалаштириш бўйича кенг қўламли илмий-маърифий дастурга муносиб ҳисса қўшиш учун замин бўлди.

КАШОВСКАЯ НАТАЛЬЯ ВАСИЛЬЕВНА



Динлар тарихи давлат музейи, Санкт-Петербург, Россия

Шимолӣ Қораденгиз бўйида антик ва ўрта асрлар даврида яҳудийлар жамоаси тарихи. Яҳудий эпиграфикаси, тили ва маданияти



ДИНЛАРАРО ҲАМКОРЛИК НАМУНАСИ

«Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» жуда қўламдор лойиҳа ва унинг амалга оширилишини қутлар эканман, бу гоё муаллифларини, шунингдек уни амалга оширишга ўз саъй-ҳаракатлари, куч-ғайратини сарфлаётган барчани табриклашни истардим. Умид қиламанки, бу динлараро ҳамкорликнинг намунаси дўстлик, жиҳс ижодий битимлар ва янги лойиҳалар гарови бўлиб қолади.

ЖАН ДЮРИНГ



Француз илмий тадқиқотлар миллий марказининг катта илмий ходими

Профессор, муסיқашунос. Марказий Осиё этник муסיқаси бўйича мутахассис. У Осиёнинг муסיқий анъаналари ва маданияти хақида 12 та китоб нашр эттирди ва 60 та компакт-диск чиқарди, улардан 10 таси бевосита ўзбек муסיқасига бағишланган. У Ўзбекистонда беши йил яшаб, бир неча маданий лойиҳаларни амалга оширди.



ЎЗБЕК МУСИҚАСИ ЭШИТИЛАЁТГАНИ УЧУН МИННАТДОРМАН

Ўзбек халқи маданияти мингйилликлар давомида шаклланган энг ноёб ва ўзига хос маданиятлардан ҳисобланади. Қадим даврлардан Ўзбекистон ҳудудида санъатнинг турли шакллари, шу жумладан муסיқали турлари ҳам ривожланган. Моддий маданият ёдгорликлари ва бизгача етиб келган ёзма манбалар ўзбек халқи муסיқа меросининг қадимий булоқларидан сўз очади. «Ўзбекистоннинг маданий мероси – халқлар ва давлатлар ўртасидаги мулоқотга йўл» халқаро конгресси, менинг фикримча, жуда муҳим илмий-маданий тадбирдир, у ноёб муסיқий меросни янада оммалаштиришда самарали роль ўйнайди. Ташкилотчиларга муסיқа янграшига имконият яратаётганлари учун чин дилдан миннатдорлик билдиришни истардим.

ЎНГУЛ ҚОРАҲАСАНЎҒЛИ



Истанбул давлат консерваторияси профессори

Профессор, доктор. Туркия давлат муסיқали консерваторияси, Истанбул техника университети ўқитувчиси. Бир неча китоблар муаллифи. Ҳозирги вақтда турк муסיқаси, Ислоҳ ва муסיқа, муסיқий чолеу асбоблари соҳасидаги тадқиқотлар билан шуғулланади.



ИНСОНИЯТ ТАРИХИ ВА УМУМИЙ МАДАНИЯТГА КАТТА ҲИССА БЎЛИБ ҚЎШИЛАДИ

«Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» илмий конгресси дунёнинг турли бурчакларидаги Ўзбекистон ва Марказий Осиё маданий мероси бўйича мутахассис-олимлар учун маълумот тўплаш, тажриба алмашиш, фикрлаш борасида кенг имконият беради. Бу ҳисоботдан менинг мақсадим турк ва ўзбек муסיқий анъаналари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрганиш ва илм дунёсига тақдим этишга қаратилган. Мамлакатларимиз жуда яқин этник, лингвистик, маданий ва албатта, муסיқий анъаналарга эга. Шунинг учун мамлакатларимиз халқлари бир-бирларини хурмат қиладилар ва ўзларини яқин оладилар. Бунда мамлакатларимизнинг маданий бирлиги катта роль ўйнайди. Мен лойиҳа раҳбари Фирдавс Абдухолиқов ва Эдвард Ртвеладзега, шунингдек, бу лойиҳани амалга ошириш билан шуғулланаётган ҳаммага миннатдорлик билдиришни истайман. У инсоният тарихий ва умумий маданиятга катта ҳисса бўлиб қўшилади.

ЖЕРАР ФУССМАН



«Коллеж де Франс»нинг фахрий профессори

Доктор, профессор, «Инак йўли-ЮНЕСКО – мамлакатлар ва авлодларни боғловчи ришта» халқаро лойиҳаси катнашчиси



1930 йилдан бошлаб ўзбек ва Россия археологлари қадимий Термиздаги будда ибодатхонаси қолдиқларини ўрганадилар ва қазилма ишларини олиб борадилар. Улар томонидан топилган артефактлар бугун Санкт-Петербург, Москва, Тошкент ва Термиз музейларидан ўрин олган. Қўшлаб илмий маърузалар эълон қилиниб, улар хорижий олимларга бу ҳудуднинг муҳимлигини тушуниш имкониятини берди. Меъморий ёдгорлик, ҳайкаллардан ташқари бу ерда минглаб сопол буюмлар ва бошқа ашёлар топилдики, маҳаллий монахлар улардан ҳар куни фойдаланганлар. Уларнинг айримларида камида уч тилда битиклар бор ва монахлар бу тиллардан фойдаланганлари ёки улар билан таниш эканликларининг рад этиб бўлмайдиган далили ҳисобланади. Буларнинг барчаси Термиз монахларининг бу тиллар воситасида чет элларда адабий ва оғзаки маданият тарқалишидаги ролини намойиш этади.

МУСТАФАЕВ ШАҲИН МАЖИД ЎҒЛИ



Озарбайжон Миллий Фанлар академиясининг мухбир аъзоси

Озарбайжон Миллий Фанлар академиясининг Шарқишунослик институти директори ўринбосари, тарих фанлари доктори, профессор. 2008–2013 йилларда Самарқанддаги Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институтини бошқарган (у йилларда – ЮНЕСКО маркази 2 тоифа); бу даврда Марказий Осиё халқлари маданий-тарихий мероси билан боғлиқ 15 та халқаро тадқиқот лойиҳаси амалга оширилган, шунингдек, 50 дан ортиқ монография ва китоблар чоп этилган.

ЛОЙИҲА ТАРИХИЙ ХОТИРАНИНГ ДАВОМИЙЛИГИ РАМЗИ

Ўрта Осиё инсоният тамаддунининг энг қадимий ўчоқларидан ҳисобланади ва шу жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди бутун инсониятнинг бебаҳо бойлиги бўлган мингйилликлар маданий жавоҳирлари хазиналари ва хотирасини ўз бағрида сақлаб келмоқда. Бронза даври қабилаларининг юксак ривожланган сапаллин археология маданияти, Бактрия, Сўғд, Чоч, Хоразм ҳудудларидаги моддий ва маданий осори-атиқалар, темирлар ренессанси даврининг меъморий обидалари – буларнинг барчаси ўзининг мингйиллик тарихи давомида мерос қилиб олган ва асраб-авайлаб келаётган маданий бойлик ҳисобланади. Бу маданиятнинг кўп намуналари турли сабабларга кўра дунёнинг кўплаб етакчи музейларига бориб қолди. «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» лойиҳаси халқнинг тарихий хотираси авлодлардан авлодларга ўтиши рамзидир ва ўзининг теран маданий илдишлари тўғрисидаги билимларини сақлаш ва келажак авлодларга етказишгагина эмас, балки уларни бутун дунё санъатсеварлари мулкига айлантириш учун хизмат қилади.

СТЮАРД ГИБСОН



АҚШнинг ЮНЕСКО масалалари бўйича маслаҳатчиси

Музейлар ва маданий сиёсат соҳасида халқаро эксперт, маданий ташкилотлар ва ҳукуматлар билан 20 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга. ЮНЕСКОнинг катта халқаро эксперти сифатида у Шарқий ва Марказий Европада, Марказий Осиё ва Яқин Шарқда ишлаган, музей, археология ва туристик секторларни тарғиб қилган. Ўн йил давомида у Эрмитаж музейини ривожлантириш музейи директори вазифасида бўлган ва ҳозирги вақтда Эрмитаж музейи халқаро маслаҳат кенгаши котибидир (Санкт-Петербург, Россия).

ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИГА ЎЗ ЭҲТИРОМИМНИ БИЛДИРАМАН

«Ўзбекистоннинг маданий мероси – халқлар ва давлатлар ўртасидаги мулоқотга йўл» халқаро конгресси ўз вақтида чақирилган ва жуда қимматли тадбирдир. У ўзбек маданиятини ривожлантириш учун самарали платформадир, бироқ янада муҳими, барча маданиятларни бирлаштириш ва Ўзбекистон ва унинг оддий бўлмаган маданий мероси мисолида уларнинг бир-бири билан асрий алоқаларини кўрсатиб бериш ҳисобланади. Мен барча ҳамкасбаримни қутлайман ва конгресснинг динамик ва сермахсул бўлишига умид қиламан, шу билан бирга Ўзбекистон ҳукумати ва конференция ташкилотчиларига уларнинг узоқни кўра билишлари ва саховатлари учун ўз эҳтиромимни билдираман.

АМАНБАЕВА БАКИТ ЭЛТИНДИЕВНА



Қирғизистон Республикаси Миллий Фанлар академиясининг тарих ва маданий мерос институтини етакчи илмий ходими

Маданий мерос маркази мудири, тарих фанлари номзоди, Қирғизистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият арбоби.

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИДАН НИМА ОЛИШ МУМКИН

Биз бугун иштирокчиси бўлган илмий конгресс ташкилотчиларига чин дилдан миннатдорлик билдираман. Мен учун бу Ўзбекистон маданиятининг бой палитрасини бутун борлиғи билан кўришда жуда яхши имконият. Шу билан бирга ўз мамлакатимиз шароитида қўллаш учун Ўзбекистон тажрибасидан нималарни олиш ва ўрганиш кераклиги ҳақида ҳам ўйлашимиз керак.

ВАЛЕРИЙ ПАВЛОВИЧ НИКОНОРОВ



РФА Моддий маданият тарихи институтининг Марказий Осиё ва Кавказ археологияси бўлими катта илмий ходими

Тарих фанлари номзоди. Асосий илмий қизиқишлари: Қадимий дунёнинг ҳарбий иши ва ҳарбий археологияси, биринчи навбатда, Марказий Осиё ҳудуди ва Эрон ясси тоғликларида илк темир даврдан илк ўрта асрларгача яшаган турғун ва қўчманчи халқлар ҳаёти, эллинизмдан то антик даврлар охиригача Марказий Осиёнинг ғарбий қисми тарихи ва маданияти.

ЛОЙИҲА ҲАР ТОМОНЛАМА ЭЪТИРОҒГА ЛОЙИҚ

«Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» лойиҳаси ўз номи билан муҳим, дунё ҳамжамиятида улкан қизиқиш уйғотмаслиги мумкин эмас ва шубҳасиз, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва маъқуллашга лойиқ. Ўз номидан ва институтимиздаги ҳамкасбларим номидан, шунингдек, яқиндагина Санкт-Петербургда ташкил этилган Шарқий археология жамияти аъзолари номидан лойиҳанинг барча қатнашчиларини эришилган дастлабки ажойиб натижалари билан табриқлайман ва келажакда барча режаларини муваффақиятли амалга оширишларини тилайман!



ОСМАНОВА ИРИНА АНДРЕЕВНА



*Динлар тарихи давлат музейи, Санкт-Петербург, Россия
Шарқ динлари бўлими илмий ходими*

ЧИН МАЪНОДА МАДАНИЙ-ТАРИХИЙ ВОҚЕА

Замонавий Ўзбекистон ҳудудидаги қадимий шаҳарлар, дунё миқёсида шуҳрат таратган улғуф алломалар, файласуфлар ва шоирлар ватани бўлган. Ўзбекистон маданий меросини сақлаш – бу дунё аҳамиятига молик вазифа. Шубҳасиз, бу чин маънода маданий-тарихий воқеанинг ақл бовар қилмас кўлами ва профессионализмини таъкидлашни истардим. «Ўзбекистон маданий мероси – халқлар ва давлатлар ўртасидаги мулоқотга йўл» илмий-маданий конгресси иштирокчиларига тинчлик ва фаровонлик тилайман!



ПАВЕЛ БОРИСОВИЧ ЛУРЬЕ



*Давлат Эрмитажи Шарқ бўлими Ўрта Осиё,
Кавказ ва Қрим сектори мудири*

Филология фанлари номзоди, Давлат Эрмитажининг Панжакент археология экспедицияси бошлиғи. Илмий қизиқишлари соҳаси: филология фанлари, хинд-европа тиллари, ўрта эрон тиллари, сўғд тили.

МАҚСАД – ЎЗБЕКИСТОН ЖАВОҲИРЛАРИНИ БИРЛАШТИРИШ

XIX аср тарихий шароитларида ва айниқса, XX асрда кўплаб тарихий ва маданий обидалар бугунги Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилди ва улар топилган жойлардан олис-олислардаги коллекциялардан ўрин олди. Бунда ажабланарли ҳеч нарса йўқ, сўнгги юз йиллик тарихи бадий бойликлари билан боғлиқ бу хил ҳолатларнинг кўпига шохид бўлди. Бироқ, шуниси муҳимки, бу материаллар асосан музейлар, кутубхоналар, институтлар, архивларда тўпланди ва хусусий эмас, балки жамоатчилик мулки бўлиб қолди. Биз қатнашиб турган лойиҳанинг мақсади ҳам Ер шарининг қарийб барча томонларига тарқаб кетган Ўзбекистон жавоҳирларини бирлаштиришга қаратилган. Шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, лойиҳага Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Э.В. Ртвеладзе илмий раҳбарлик қилмоқда. У қадимий Ўзбекистоннинг моддий маданияти мутахассислари орасида энг забардасти ҳисобланади, бу ҳам лойиҳанинг илмий аҳамиятида акс этади.



ОЛЬГА ВАЛЕНТИНОВНА ВАСИЛЬЕВА



*Россия Миллий кутубхонаси Қўлёзмалар бўлими
Шарқ фонди шўъбасининг мудираси ва сақловчиси*

Илмий қизиқишлари соҳаси: туркий адабиёт тарихи, РМК қўлёзмалар бўлими Шарқ фондининг шаклланиш тарихи, ислом китобат санъати. 40 дан ортиқ илмий рисодалари ва мақолалари бор. «Давлат Оммавий кутубхонасидаги туркий қўлёзмалар», «Сафарабейзода қиссаси», «Яҳё Чалабий ва ускудорлик Шайх Абул-Хийёр хикояти», «Oriental manuscripts in the National Library of Russia», «Истанбул хикоят жанри» сингари илмий рисодалар муаллифи (5–6-сон).

ҲАҚИҚИЙ БАЙРАМ УЧУН САБАБ

«Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» туркумидаги альбомлар жуда муҳим аҳамиятга эга. Даставвал бу лойиҳа рўёби жуда мураккаб ва имконсиз туюлганди. Ахир бу ишни амалга ошириш жуда катта маблағ, ташкилий ва ақлий меҳнатни талаб этади. Бундан ташқари Ўзбекистонга дахлдор археологик топилмалар, бадиий ва амалий санъат намуналари сақланаётган музей ва кутубхоналарнинг бу лойиҳага розилиги керак бўларди. Мазкур йўналишдаги китобларнинг ўн жилди дунё юзини кўргани бу борадаги машаққатлар лойиҳа ташкилотчилари ва иштирокчилари томонидан муваффақиятли енгиб ўтилганидан дарак беради.

Бу аслида ҳақиқий байрам учун арзирли сабаб. Буларнинг ҳаммаси айна пайтгача қилинган ишларни етарли даражада баҳолаш ва истиқболдаги вазифаларини белгилашда, Ўзбекистон худудида ва ундан ташқарида сақланаётган ўзбек халқининг маданий меросини ўрганишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

АЛЕКСАНДР НАЙМАРК



АҚШнинг Нью-Йорк шаҳридаги Хофстр университетининг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё рассомчилиги дизайн ва санъати тарихи кафедраси раҳбари. Фан доктори, профессор

«New types of Nakhshab coins of the 7th century», «Coin collecting in colonial Turkestan (from Russian conquest to the end 19th century)», «Бухорхудотларнинг Варахша қасри қачон бузилган?», «Қадимги давр ва ўрта асрларда Бухоро воҳаси ва унга қўшни ҳудудлар», «Шарқий Европада топилган VI-IX асрларга мансуб сўяд ва Хоразм тангалари ҳақидаги қайдлар» [Notes on East European finds of Sogdian and Khorezmian coins of the 6th to the 9th centuries] ва бошқалар шулар жумласидан.

ЎХШАШИ ЙЎҚ ЛОЙИҲА

Бу беназир лойиҳанинг ташкилотчиларига Ўзбекистон халқлари томонидан яратилган маданият дурдоналарини тадқиқ этишга кўшаётган ҳиссалари учун ўзимнинг миннатдорлигимни билдирмоқчиман. Лойиҳа тўлалигича Ўзбекистоннинг бой ва бетакрор маданиятини дунёга янада кўпроқ танитиш, унинг инсониятнинг умумжаҳон меросидаги улушини намоён қилиш имконини беради.

Мазкур муҳташам лойиҳа илм-фан оламининг етук намоёндаларидан бири, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Эдвард Васильевич Ртвеладзе томонидан амалга оширилаётгани ҳам унинг залворини оширади.

АЛЕКСАНДР ВИЛЬГЕЛЬМ




«Мюллер ва Шендлер» наشريётининг маркетинг ва ривожланиш бўйича вице-президенти

Грацдаги Карл Франценс университети ўқитувчиси

ЖАҲОН БЎЙЛАБ МУЛОҚОТНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШДАГИ БЕБАҲО ҲИССА

Аввало ушбу муҳим анжуманга таклиф этишгани учун ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдирмоқчиман. Қатъий ишонч билан айта оламанки, ушбу йирик халқаро лойиҳа ўзбек халқининг буюк меросини ўрганиш, кенг тарғиб этиш ва келгуси авлодга беками кўст етказишда, жаҳон аҳлини ўзбек халқининг бой ўтмиши билан таништиришда, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга. Мен анжуманнинг барча иштирокчиларига шу савобли ишдаги иштироки учун ташакур айтаман.

ЛАЛЕ УЛУЧ



Босфор университети, Истанбул, Туркия

Фан доктори. Асосий илмий тадқиқотлари XVI аср китобат китбат санъати, ислом ва форс маданиятига бағишланган. «Усманийлар хазинаси дурдоналари: «Шоҳ-Тахмоси» альбоми», «Европадаги усмонийлар маданияти таассуротлари», «Шероз хунармандлари ва усмонийлар даври коллекционерлари», «XVI аср Шероз китобат санъати» сингари китоблар муаллифи.



БУЮК ШОИР ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ

Мен ушбу илмий конгрессга таклиф этилганим учун бу илмий конгресснинг барча ташкилотчиларига ўз миннатдорлигимни билдираман. Менинг тадқиқотларим асосан Ҳазрат Алишер Навоийнинг Истанбул кутубхоналари, Тўпқопи саройи музейи, Истанбул университети, Сулаймония кутубхонасида сақланаётган асарлари нусхаларидаги нафис безакларни ўрганишга йўналтирилган. Истанбул кутубхоналарида араб алифбосида яратилган китобат санъатининг жуда кўп бебаҳо дурдоналари сақланади. Мен ўз маърузамни ушбу буюк шоирнинг ўзбек халқи маданий меросига қўшган бебаҳо ҳиссасига бағишлайман.

ЭРТЕГИН САЛОМЗОДА



Озарбайжон архитектура ва санъат институти директори

Озарбайжон Миллий академияси мухбир-аъзоси



ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Мен раҳбарлик қилаётган Озарбайжон архитектура ва санъат институти жамоаси ва шахсан ўз номидан конгресс мишига илмий ва ижодий ютуқлар тилайман. Аминманки, мазкур йирик халқаро анжуман доирасида кўриладиган масалалар халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ЮРИЙ КИРИЛЛОВИЧ ЧИСТОВ



Россия Фанлар академияси Буюк Пётр номидаги Антропология ва этнография музейи (Кунсткамера) директори

Тарих фанлари доктори. Россия ва хорижий илмий журналлар таҳрир хайъати аъзоси. Антропология уюшмаси халқаро кенгашининг аъзоси, Россия антропологлари ва этнографлари ассоциацияси президенти. Узоқ Шарқ, Марказий Осиё ва Жанубий Сибирдаги антропологик ва археологик изланишларда иштирок этган. 160 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи.



ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Россия Фанлар академияси Буюк Пётр номидаги Антропология ва этнография музейи (Кунсткамера) жамоаси номидан бутун инсониятнинг маънавий мулкига айланган ўзбек халқига тегишли бўлган, айни пайтда бизнинг музейимизда сақланаётган бебаҳо дурдоналарни кенг оммага намойиш этиш имконига эга бўлганимиздан бениҳоя мамнунмиз.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистоннинг тарихий-маданий меросини ўрганиш ва улар ҳақида маълумотларни чоп этишда муҳим туртки бўлди. Асрлар мобайнида ўзбекистонлик хунарманд усталар томонидан ишланган, кўпгина мамлакатлар сайёҳларининг бир неча авлоди томонидан тўпланган, турли музей, архив ва кутубхоналарда сақланаётган нодир буюмлар ушбу лойиҳа сабабли кенг оммага тақдим этилмоқда. Ўзбекистон халқлари мероси ва ёдгорликларини ўрганиш ва уларни кенг оммага кўрсатишга қаратилган бу эзгу ишлар ўз эътирофини қозонади ва кўплаб инсонларни фойдали ва аҳамиятли ишларга ундайди.

Биз «Ўзбекистоннинг маданий мероси жаҳон тўпламларида» лойиҳасининг муаллифи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Фирдавс Абдухолиқовга, лойиҳанинг илмий раҳбари Эдвард Ртвеладзега, лойиҳанинг барча иштирокчиларига бу кенг қўламли ва машаққатли ташаббусни амалга оширганлари учун чуқур миннатдорчилик билдираман. Барча ташкилотчилар ва конгресс қатнашчиларига ижодий куч-ғайрат, сермахсул ютуқлар тилаб қоламан.

СЕРГЕЙ ВАЛЕРИАНОВИЧ ЛАПТЕВ



Тарих фанлари номзоди, МИХО музейининг махсус илмий ходими



Тарихчи, археолог, Жануби-шарқий ва Ўрта Осиё археологик тадқиқотларида иштирок этган. Ўндан ортик монография ва юздан зиёд илмий мақолалар муаллифи.

АВЛОДЛАРИМИЗНИНГ БОЙ ХАЗИНАСИ

Беш йил илгари Эдвард Васильевич Ртвеладзенинг «Буюк Ҳинд йўли» номли китоби нашрдан чиққанди. Бу кейинчалик «Буюк ипак йўли» номини олган тарихий йўлни ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилганди. Бугун шу олимнинг 75 йиллигида иштирок этаётганимдан хурсандман. Э.В. Ртвеладзе раҳбарлигида Ўзбекистон маданиятини чуқур тадқиқ этишга қаратилган бу йирик лойиҳа Осиёнинг энг кўҳна тамаддунларидан бирини ўрганишда, бу боқий меросни келгуси авлодларимизга, фарзандларимиз ва набираларимизга етказишда катта роль ўйнайди.

ҲАСАН КОНДУ



Mega Basim Yayın Sanayi ve Ticaret A.S. наشريёти раҳбари



ШУ ЛОЙИҲАГА ХИЗМАТИМ СИНГАНИДАН МАМНУНМАН

Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида халқаро лойиҳаси жуда ҳам кенг қамровли ва хилма-хил. У ўз ўқувчиларига ўзбек халқининг тарихини чуқур ўрганиш имконини беради. Ушбу лойиҳани амалга оширишда ўз ҳиссамизни қўшганимиздан мамнунмиз. «Mega Basim» компанияси ана шу лойиҳанинг рўёбга чиқишида ўзининг муносиб улушини қўшди. Бу китоблар ўз ўқувчиларини топади, деган умиддамыз. Бу лойиҳанинг амалга ошишида Фирдавс Абдуҳолиқов ва унинг жамоаси қилган улкан ишларни алоҳида эътироф этиш лозим.

КЭТЛИН ГЁБЕЛЬ




Cultur-CooperationInt. E.V компанияси президенти



ЎЗБЕКИСТОНГА ОИД ОСОРИ АТИҚАЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

«Ўзбекистон маданий мероси – халқлар ва давлатлар ўртасидаги мулоқотга йўл» конгрессининг азиз иштирокчилари! Менда Ўзбекистонга оид артефактларнинг хилма-хиллиги катта қизиқиш ва таассурот уйғотди. Ўзбекистон мероси хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Германия музейларида ҳам ўзбек халқининг даҳоси ва заковати сабабли яратилган кўшлар дурдоналарни учратиш мумкин. Уларнинг ҳар бири бир дунё, алоҳида тарих. Ишонч билан айта оламнки, мен бу лойиҳадан ўзим истаган нарсаларни топа олдим – гўзаллик ва ўзаро уйғунлик. Бу мерос халқлар ўртасида кўприк қура олади. Азиз дўстлар, келинлар, биз Ўзбекистоннинг ана шу бебаҳо меросини дунёга танитишда кўприк бўлайлик.

ХАДИЧА АСАДОВА ВАЛИ ҚИЗИ



Санъатшунослик бўйича фалсафа доктори, озарбайжон миллий музейининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

Озарбайжон рассомлар уюшмаси аъзоси

ЎЗБЕК ХАЛҚИ МАДАНИЯТИНИ ЎРГАНИШДАГИ МУҲИМ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ

Ўзбекистон буюк алломалар ватани, инсоният тамаддунининг қадимий марказларидан бири. Биз ўзбек халқи маданияти ва тарихи билан янада яқинроқ танишиш имконини берган китоблар муаллифларидан мамнунмиз. Ишонаманки, ушбу лойиҳа ёш олимлар, тадқиқотчилар учун ўзбек халқининг бой меросини ўрганиш ва тадқиқ этишда мустаҳкам маълумотлар базасини яратади. Эҳтимол, ҳали бутун дунёни хайратга соладиган кашфиётларга йўл очилар? Мен шу фурсатдан фойдаланиб, машҳур олим ва археолог Эдвард Васильевич Ртвеладзени таваллуд айёми билан кутлаб, унга мустаҳкам соғлиқ, ижодий ишларида муваффақиятлар тилайман.

АКМАЛ НУРИДИНОВ



Ўзбекистон Бадиий академияси раиси

Ўзбекистон халқ рассоми

ЛОЙИҲА – КЕЛАЖАК АВЛОДЛАРНИНГ ОЛТИН ФОНДИ

Маданият ва санъат соҳасидаги қатор муҳим лойиҳалар миллат маънавий маданиятини қайта тиклаш ва ривожлантиришга туртки берди. Шундай ажойиб лойиҳалардан бири «Ўзбекистоннинг маданий мероси жаҳон тўшамларида» деб аталади. Лойиҳа – келажак авлодлар учун ҳақиқий олтин фонд. Нафақат Ўзбекистоннинг, балки чет мамлакатларнинг етакчи олимлари ва мутахассислари томонидан катта иш қилинди. Қанчадан-қанча «ёпиқ ва номаълум» асарлар энди барча учун очилади. Умуман маданий мерос ҳеч кимга тегишли бўлмайди. Улардан завқ оласан, тамаддунни англаб етасан ва албатта, ифтихор туйғуларини ҳис этасан. Бу лойиҳа забардаст ўзбек рассомларининг бутун авлодини, мамлакатимизнинг нодир ва ўзига хос маданиятини дунёга намойиш этади.

КАТИБУР РАҲМАН



Ҳиндистон Миллий музейи араб қўлёзмалари бўлими раҳбари

Фан доктори

БИЛИМ ВА ТАЖРИБА АЛМАШИШ

Бу тадбир Ўзбекистоннинг тарихи ва маданияти билан танишиш учун жуда қулай имконият. Мен бугун ушбу конгресс ишида Биштирок этаётган барча қатнашчиларни ушбу тарихий воқеа билан кутламоқчиман. Ушбу анжуманинг аҳамияти шундаки, унда ҳар бир олим ўз мамлакатининг бу борадаги тажриба ва ютуқлари билан ўртоқлашади, бу эса ўзаро билим ва кўникмаларни алмашишда катта ўрин тутаяди. Ушбу конгресс ўзбек халқининг бой маданияти ва кадриятларини бутун дунёга тўлақонли акс эттиришига ишонаман.

ҚУРБАНОВ БЕҲРУЗ ГОЛИБОВИЧ



Линден номидаги музей илмий ходими (Штутгарт, Германия)

Бимберг университети докторанти



БЎЛҒУСИ ТАДҚИҚОТЛАР УЧУН АСОС


Мен мазкур халқаро анжуман иштирокчиларини чин қалбдан қутлашдан мамнунман. Ушбу конгресс барча олим ва тадқиқотчилар учун фикр алмашиш, малака ошириш, Ўзбекистоннинг бой маданий мероси ҳақидаги тушунчаларни кенгайтиришда муҳим қадам бўлади. Мен ушбу конгрессда иштирок этишим учун имкон яратиб берган ташкилотчиларга ўзимнинг миннатдорлигимни билдирмоқчиман. Ёш мутахассис сифатида машҳур археолог, буюк олим Эдвард Васильевич Ртвеладзенинг юбилейи билан табриклаш имконига эга эканимдан ҳам бахтиёрман. Хорижий музейларда сақланаётган Ўзбекистонга оид осори атиқалар билан танишиш ва уларни чуқур тадқиқ этишда ҳам ушбу анжуман ва унда тақдим этилаётган китобларнинг аҳамияти беқиёс. Бу келажакда жуда катта тадқиқотлар учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

НИГОРА ДВУРЕЧЕНСКАЯ ДАВЛАТОВНА



РФА Археология институти илмий ходими (Москва, Россия)

Тарих фанлари номзоди



ХАЛҚАРО МАДАНИЙ ҲАМЖАМИЯТДАГИ МУҲИМ ВОҚЕА

«Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» лойиҳанинг мухтарам ташкилотчилари ва муаллифлари менга мана шу қутлуғ анжуманда иштирок этиш имконини беришгани учун, шу билан бирга кадрли устозим Эдвард Васильевич Ртвеладзенинг табаррук ёши билан муборакбод этиш бахтига мушарраф бўлганимдан бениҳоя мамнунман. Конгресснинг ташкилотчиларига бу анжуманга жуда катта ҳозирлик кўришгани учун ҳам ташаккур айтмоқчиман. Умид қиламанки, бу конгресс халқаро маданий ҳамжамият тарихидаги муҳим воқеалардан бири бўлиб қолади.

ҒОЯНИНГ РҰЁБЫ

Халқаро экспертлар фикрига кўра, «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» лойиҳаси қамрови кенглиги жиҳатидан дунёда ўхшаш ийўк. Уни амалга оширишнинг фақатгина биринчи босқичида Россия, Германия, Швейцария, Мўғулистоннинг 35 дан ортиқ музейлари қамраб олинган, улардан 26таси билан фаол ўзаро муносабатлар йўлга қўйилган. Китоб-альбомларни нашрга тайёрлаш жараёнида таниқли олимларнинг Ўзбекистон



худудида содир бўлаётган энг сара артефактларни йиғиш ва умумлаштириш бўйича жиддий тадқиқот ишлари ўтказилди. Улар орасида – археология, кулолчиликнинг ноёб намуналари, металлдан ишланган буюмлар, нумизматика, тўқимачилик, заргарлик санъати ва тасвирий санъат намуналари бор. Бу медиа маҳсулот Ўзбекистон халқининг маданий-тарихий меросининг бутун бойлиги

ва ноёблигини акс эттиришга имкон берди. Айнан ушбу тадқиқотлар натижалари халқаро конгрессда унинг иштирокчилари томонидан янграйди. Лойиҳа бир йўла икки йўналишда амалга оширилиши эътиборга лойиқдир. Улардан бири – китоб-альбомларнинг ўзбек, инглиз ва рус тилларида чиқарилиши, иккинчиси – ҳужжатли фильмлар ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг дисклари ҳам илова этилишидир. Лойиҳани амалга ошириш учун сериялар муаллифи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Фирдавс Абдухолиқов ва лойиҳанинг илмий раҳбари академик Эдвард Ртвеладзе томонидан ишчи гуруҳ тузилди. Э. Ртвеладзе тавсиясига биноан, альбомлар устида ишлаш учун етакчи мутахассис-шарқшунослар, Ўзбекистон олимлари жалб этилди, улар нашр этилаётган альбомларнинг ҳар бири устидан назоратчи қилиб бириктирилди. Улар орасида санъатшунос Камола Оқилова, муסיқашунос Александр Жумаев, санъатшунос, гилам ва тўқимачилик бўйича мутахассис Эльмира Гюль, шарқшунос Жангар Ильясов ва бошқалар бор. Россиялик мутахассислар: **Шарқ Давлат музейи, Давлат Третьяков галереяси, Россия этнография музейи, Россия Миллий кутубхонаси, Шарқ кўлёмалари институти, Давлат Эрмитажи** ходимлари ва бошқа кўпчилилик катта ёрдам кўрсатдилар. Аввал лойиҳа ҳақида ҳамкорлик таклифлари билдирилган хатлар келди. Ўзаро ёзишмалар асносида қизиқишлар ортиб, учрашувлар режалаштирилди. Шундай қилиб, 2015 йил декабрида, 2016 йил мартида лойиҳанинг ижодий гуруҳи илк хизмат сафарларига (Санкт-Петербург, Дрезден, Берлин, Лейпциг, Штутгартга), шунингдек, Россия Фанлар Академияси Шарқ кўлёмалари Институти мутахассислари билан алоқа ўрнатиш ҳамда М. Глинка номидаги муסיқа маданияти Бутунроссия музей бирлашмасига Ўзбекистон билан боғлиқ коллекцияларни ўрганиш, илмий алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида шарқшунос мутахассислар Ш. Воҳидов ва А. Жумаев (Санкт-Петербург, Москвага) бордилар.

Ижодий гуруҳ энг аввал **Дин тарихи музейи, Этнография музейи ва Третьяков галереясига** ташриф буюрди. Дастлабки ёзишмалар асосида Ўзбекистон билан боғлиқ экспонатлар рўйхати аниқланди, уларни баҳолаш, суратга тушириш ишлари ўтказилди, археология, санъат асарлари, кулолчилик, тўқимачилик ёки заргарлик санъати бўладими, музей тўпламининг ҳар бир бўлимлари бўйича муаллифлик мақолалари тайёрланди. Учрашувлар натижалари бўйича буюмларнинг муфассал рўйхати тузилди ва алоҳида альбомга киритиш юзасидан илмий раҳбарнинг тавсиялари олинди.

Бутун дунёга машҳур Давлат Эрмитажига ташриф ҳам сермахсул бўлди. Ижодий гуруҳнинг жаҳон миқёсидаги ноёб музейга танишиш ташрифи ҳеч кимни лоқайд қолдирмади ва шундай бўлиши ҳам керак эди. Бутун дунёда Марказий Осиё ва Ўзбекистон тарихи билан боғлиқ шу қадар бой коллекциялари ва ноёб экспонатлари билан мақтана оладиган музейлар унча кўп топилмаса керак. Коллекция шунчалар кенг қамровли бўлиб чиқдики, бир жилд эмас, учта – исломгача бўлган давр, Шарқ уйғониш даври ва ўрта аср даврларига бағишланган учта жилд тайёрлашга қарор қилинди. Коллекциянинг кўламини таърифлаш осон эмас. Эрамиздан аввалги IV мингйилликдан XX аср бошигача Ўрта Осиё маданияти ва санъати намуналари турли ёдгорликлар: деворий ёзувлар ва ҳайкалтарошлик, ёғоч ўймакорлиги ва фил суяги, бронза, кумуш ва ноёб тангалар, кулолчилик ва кошинлар коллекцияси, заргарлик буюмлари, кашталар ва гиламларда ўз ифодасини топди. Тўпламининг анчагина қисмини Ўрта Осиёнинг қадимий давлатлари – Бактрия, Суғд, Хоразм худудлари археологик топилмалари ташкил этади. Лойиҳада иштирок этган Эрмитаж ходимлари Ўзбекистон бўйича биринчи альбом учун исломгача бўлган давр артефактлари рўйхатини тақдим этишди. Барча буюмлар Ўзбекистон худудида қадимда мавжуд бўлган тарихий-маданий худудлар бўйича ажратилди. Музей директори М.Б. Пиотровский кўрсатмаси билан «Давлат Эрмижаги коллекцияларида Ўзбекистон маданий мероси хазиналари» (исломгача бўлган давр) биринчи альбомини тайёрлаш ишлари бошланди.

Ижодий гуруҳ билан ишлаган яна бир муассаса **РФА Шарқ қўлёзмалари институти** бўлди. Лойиҳа раҳбари Фирдавс Абдухолиқов ва ҳайъат аъзолари билан бўлган учрашувда мавжуд қўлёзмалар, шу жумладан Қуръоннинг бир неча нусхалари, Шарқ миниатюралари, қадимий ҳужжатлар, суратлар намойиш этилди, илмий муассаса бўйлаб экскурсия ўтказилди. Институт коллекциясида қадимги Шарқ тилларидаги буткул ноёб мерос, шу жумладан, суғд тилида – Муғ тоғидаги топилма материаллари бўйича Панжикентнинг сўнгги ҳукмдори Деваштичнинг машҳур архиви мавжуд. Бу араб босқинига қадар Марказий Осиёда катта ўрин эгаллаган мустақил дав-



лат ҳаёти ҳақидаги нодир ҳужжатлар, қўлёзмалар коллекцияси Россия Федерациясида энг қадимий ёзма ёдгорликлар тўпламидан бири ҳисобланади. Араб графикаси фонди таркибида, институтнинг «мусулмон» фондида у иккинчи ўринни эгаллайди (3089 та қўлёзма), биринчи ўринда араб коллекцияси (5184 жилд) туради. Рўйхатлар сонининг анчагинаси Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Шарқий Туркистон, Туркия ва бошқа мамлакатлардан келтирилган. Ўрта Осиёда (Ўзбекистон, Тожикистонда) яратилган қадимги қўлёзмалар тўпламининг салмоқли қисмини ташкил этади. Қуръонлар бўлимида 105 иншо (206 рўйхат) тақдим этилган. Бевосита Ўзбекистон билан боғлиқ суратлар, ҳарбий ҳужжатлар, харита ва бошқа қўлёзмалар ҳам ўта ноёб ҳисоблади.

Буюк Пётр номидаги Антропология ва этнография музейи (Кунсткамера)га ташриф қизиқарли ва самарали бўлди. Музейдаги ўзбек коллекцияси ҳақида видеофильмни суратга олиш ва альбом тайёрлаш таклифига музей раҳбарияти хайрихоҳ муносабатда бўлди. Директорнинг илмий ишлар



бўйича ўринбосари, Марказий Осиё бўйича таниқли мутахассиси, дунёда Қуръоннинг етакчи тадқиқотчиларидан бири музей директори в.б. Чистова, шунингдек, профессор Е.А. Резван иштирокида музокаралардан сўнг ҳамкорликда бўлажак альбомни мукамал яратишда тадқиқот ишлари бошланди. Кунсткамера таркибида тўқимачилик, байрамона ҳамда кундалик кийимлар ва тақинчоқлар намуналари мавжуд. Ўрта Осиё газламаларининг Европада энг бой жамланмаси сақловчиси ҳисобланади. Бухоро амирлари ва Хива хонларидан рус подшоларига совғалар коллекциясининг анча муҳим қисмини ташкил этади. Петербурглик олимлар – музей ходимлари экспонатларнинг ноёб коллекциясини –

«сўзловчи газламалар»ни танлашган. Уларнинг нақшлари, композицияси ва рангдорлиги ўзбек халқининг нодир ақлу заковати, жўшқин ҳиссиётлари ҳамда маданий анъаналарининг нозик дидлилигини бизга етказиб берган. Музокаралар давомида «100 ипак. Петербург Кунсткамерасидаги ўзбек адраслари» номли альбом тайёрлаш таклифи киритилди. Унга эпиграф сифатида Қуръони каримдаги ушбу оятлар танланди: «Бас, Аллоҳ уларни ўша куннинг ёмонлигидан сақлар ва улар(нинг юзлари)га тароват, (дилларига) сурур бахш этар. Яна сабрлари сабабли уларни жаннат ва (эгиларига) ипак (либослар) билан мукофотлар». (Инсон, 11-12)



Кейин ижодий гуруҳ Россия миллий кутубхонасига борди. Кутубхонанинг Шарқ фондлари 1805 йилдан йиғила бошлаган. Уларнинг мусулмон қисми 3500 қўлёзма китоблари ва ҳужжатларини ўз ичига олган, улардан энг қадимийлари – VIII-XII аср Қуръон парчалари. Ўзбекистон билан боғлиқ материаллар туркий (асосан эски ўзбек тилида) форс-тожик ва араб тилларидаги



қўлёзма китоблар ва ҳужжатларнинг анча қизиқарли рўйхатини ташкил этади. Эҳтимол, ёдгорликлардан энг аввалгиси – тўртинчи халифа Али ибн Абу Толиб (р.а.) қаламига мансуб «Наср ал-лаъали мин калами амир ал-муъмнинин Али» («Эътиқодлилар ҳукмдори Али нутқидан сочилган инжулар») ҳикматлар тўпламидир.



Россия Миллий кутубхонаси коллекциясида Алишер Навоийнинг ноёб қўлёзмалари, улардан учтаси шоирнинг ҳаётлигида ишланган шарқона миниатюралар, турли даврларга мансуб юздан ошиқ Қуръон нусхалари мавжуд. XVI аср бошида, хойнаҳой, теурийлар давлати пойтахти Ҳиротда қайта

кўчирилган Алишер Навоийнинг «Куллиёт» (Асарлар тўплами) катта қизиқиш уйғотади. Қўлёзмани Ўрта Осиёга таниқли тарихчи-ёзувчи Зайниддин Восифий келтирган бўлиб, 1518 йилда Тошкент ҳокими Келди-Мухаммадхонга 25 миниатюра билан безатилиб, ҳадя этилган. 1521–1522 йилларда безатилгани ҳақидаги маълумотлар «Куллиёт»даги миниатюралар сериясини Мовароуннаҳр (Бухоро) мактаби Тошкент доирасига киритишга имкон берди. Бунга ўхшаш миниатюралар анча камёб, чунки Шохрухия-Тошкент қўлёзма мактаби унчалик узоқ муддат яшамаган: у 1533 йилда Келди-Мухаммад ўлимидан кейин тарқалиб кетди, усталар эса Бухоро ва Самарқандга кўчиб кетишди. Айнан шу сабабли Навоийнинг «Куллиёт»и ниҳоятда бебаҳо кадр-қимматга эга.

Бухорога мансуб миниатюралар ишланган қўлёзмалар, шу жумладан, Абдурахмон Жомий куллиётининг зарварағи, рангли нақшли ҳошиялар ва миниатюралар билан безалган Саъдийнинг «Гулистон»и; Жомийнинг бухороча «Тухфат ал-аҳрор» кодекси рўйхати ноёб ва қимматли ҳисобланади. Қўлёзма шоҳ Аббос I га тегишли бўлган, 1017/1608–1609 йилларда эса Ардабилда шайх Сафий мақбараси вақфига киритилган. Бухоро сарой устахона-



си ишларига 61 миниатюра билан безалган Низомийнинг машҳур «Хамса»си кўчирма нусхаси ҳам киради. РМК жамғармасида Бухоро амири тўплами таниқли муаллифлар шеърий асарлари: Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Низомийнинг «Хамса», Ҳофизнинг «Девон», Жомийнинг «Юсуф ва Зулайхо» асарлари рўйхатидан иборат.

Ижодий гуруҳ **Россия этнографик музейида** катта иш бажарди. Музей директори билан музокаралар муваффақиятли бўлди. Нафақат ишлар бажарилиш муддатлари ҳамда альбом чиқариш юзасидан, балки видеофильмни суратга олиш бўйича ҳам келишиб олинди. Музей ходимлари Ўзбекистон билан боғлиқ экспонатлар коллекциясини, Ўрта Осиёнинг таниқли тадқиқотчиси Дудиннинг кенг суратлар



коллекциясини кўрсатдилар, чуқур билимга асосланганларини, самимийлик ва меҳмондўстликни намойиш этдилар. Иш босқичлари, альбомларнинг тузилиши келишиб олинди.

Маълумки, Этнография музейининг Ўрта Осиё йўналишини унга асос солинишининг биринчи кунлариданоқ атоқли шарқшунослар — академиклар С.Ф. Ольденбург, В.В. Бартольд, В.В. Радлов сингари олимлар назорат қилганлар. В.В. Радлов ташаббуси билан Ўрта Осиёга биринчи экспедицияларни ўтказиш аввал археологик экспедициялар таркибида ишлаган ва Ўрта Осиё амалий санъати билимдони саналган, хужжатли



фотография бўйича мутахассис — Самуил Мартинович Дудинга топширилганди. 1920 йилларда ўзбек коллекциялари илгарилари Петербург ва унинг шаҳар ташқарисидаги шахсий ва сарой тўпламларида бўлган жуда кўпгина ажойиб амалий санъат асарлари билан тўлдирилди.

Бадиий тўқимачилик намуналари тўплами музей фахри ҳисобланади. Бу бухоролик, самарқандлик, марғилонлик ва қўқонлик тўқувчиларнинг ипли ва ярим-ипак беқасам, сидирға ва гулдор шоҳи газламаларидир. Музей тўпламларида, шунингдек, ноёб ҳаракатланиш воситалари (ҳар турли кўринишдаги аравалар), Ўзбекистонда яшовчи турли халқлар маиший буюмлари, Қорақалпоғистон, Хоразм, Тошкент, Фарғона воҳалари бўйича жуда катта коллекция сақланади. Музей ходимлари бизнинг альбомда «тарихий суратлар» форматидан фойдаланишни таклиф этишди. РЭМ коллекциясида XX аср бошларидаги Ўзбекистон бўйича жуда яхши кўринишли фотосуратлар мавжуд, уларда бизнинг кунларгача сақланиб қолмаган архитектура кўринишлари тасвирга туширилган.



Лойиха доирасида, шунингдек, Россия Федерацияси музей тўпламларида тақдим этилган Ўзбекистондан келтирилган коллекциялар ҳақидаги «**Мерос**» деб номланган хужжатли фильмлар сериялари суратга олинди. Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистондан хужжатли телелойиха муаллифи Шаҳноза Фаниева, Козим Хотамқулов, Жаннат Нурбоев (тасвирчи) ва журналист Насиба Фахриддинова таркибидаги суратга олиш гуруҳининг Давлат Эрмидажи, Шарқ кўлёмалари институти, Россия Этнографик музейи, Кунсткамера, Давлат Третьяков галереяси, Россия миллий кутубхонаси, РФА антропология ва этнология институти, Давлат тарих музейи, М. Глинка номидаги Бутунроссия мусиқа маданияти музей бирлашмаси, Шарқ Давлат музейи коллекциялари ҳақида лавҳалар тайёрлаш ва суратга олиш учун хизмат сафари амалга оширилди.



Ижодий ходимларнинг хизмат сафари учун яна бир йўналиш **Германия** бўлди. Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг минтақавий вакили доктор Томас Кунценнинг ташкилий кўмаги билан Германия музейлари коллекцияларида Ўзбекистондан келтирилган артефактларни излаш бўйича самарали иш олиб борилди. Хусусан, **Берлин Этнография музейи, Берлин шаҳри «Пергамон» музейи, Берлин Давлат кутубхонаси, шунингдек, Дрезден, Лейпциг музейлари** билан алоқа ва келишувлар ўрнатилди. Германиянинг энг йирик музейларида XIX асрдан буён сақланаётган Афросиёб қадимий кулолчилиги, каштадўзлик ва зардўзлик, қурол ва нақш ўймакорлиги, энг асл заргарлик безаклари – буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон санъати дурдоналаридир.

Ислон санъати музейи коллекциялари кирган машҳур Пергам музейи. Бу ерда Александр Македонский, Чингизхон, Буюк Амир Темур номи билан боғлиқ қадимий Самарқанд, Афросиёб манзилгоҳлари кулолчилиги намуналарини нафақат сақлайдилар, балки ўрғанадилар ҳам. Ушбу давлатга боришдан икки мақсад кўзланди: музейлар коллекциялари билан танишиш ва китобларни тайёрлаш ҳақида музокаралар ўтказиш.

Ижодий гуруҳ биринчилардан бўлиб Штутгардда Линден номидаги музейга борди. Унинг коллекцияси жуда қизиқ экан. «Мусулмон Шарқи» сектори ноёб каллиграфия, кулолчилик ва архитектура фрагментлари тўпламлари, металдан ясалган типик ишлар (масалан, қурол ва беза-

клар) билан ажралиб туради. Музей директори бизнинг лойиҳага бағоят катта қизиқиш билдирди.

Берлин этнографик музейига бориш ҳам жуда фойдали бўлди. Музей вакиллари экскурсия ташкил этишди ва лойиҳада иштирок этишга тайёрликларини билдиришди. Берлиндаги этнологик (ёхуд этнографик) музей — жаҳонда энг йирик этнологик музейлардан бири эканини айтиш жоиз. Унда индустриал давргача бўлган бир миллионга яқин экспонатлар қўйилган, улар асосан XIX аср охири — XX аср бошларида олмон саёҳатчилари томонидан йиғилган. Ҳозирги вақтда Берлин Этнография музейи экспозицияларида афсонавий Вилли Рикмерс коллекциялари тақдим этилган. У 1894–98 йилларда Ўрта Осиёда бўлганида, ўзбек санъатининг 800 дана энг зўр асарларини сотиб олган.

Дрезден этнография музейининг безакли-амалий санъатининг энг қимматли асарлари — бу Саксониянинг Буюк кюрфюсти Август I нинг кунсткамераси илк коллекциясидир. Унга 1560 йилда асос солинган бўлиб, Европада энг қадимий музейлардан бири бўлиб ҳисобланади. Кейинчалик ушбу коллекция Дрезденнинг кўшлаб музейларига асос бўлиб қолди. Музейнинг доимий экспозициясида кумуш, олтин ва ярим қимматбаҳо тошлар билан безалган ўзбек қуролларининг асл дурдоналари намойиш этилган. Бу шахсий коллекционерлардан ҳимматли ҳадялар ҳисобланади.


Лейпцигдаги Грасси музейи бутун сайёрамизнинг маданияти, тарихи музейи ҳисобланади. Унинг турли коллекциялари орасида Ўзбекистоннинг халқ усталари, тўқувчилар, заргарлар ва кулоллар яратган асарлар ҳам мавжуд. Илк коллекцияни доктор Густав Клейм тўплаган. Ўзбек санъатининг энг эски асарларини эса музейга Фридрих Эмил Дукмер ҳадя қилган, у XIX аср охирида Тошкентда ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. XX аср асарлари бу Ўзбекистонда бир неча марта бўлган Герд Тилиман коллекциясидир. Ўзбек чойхонаси реконструкцияси ҳам томошабинларни шарқона экзотика муҳитига олиб киради.

Берлиндаги **Ислом санъати музейига** ташриф аввалги ёзишмаларга яқун ясади. 2015 йилнинг кузида ижодий гуруҳнинг музей раҳбарияти билан учрашуви бўлиб ўтди ва улар-



нинг келгуси ишларига пойдевор қўйилди. Музейга Вильгельм фон Боде томонидан 1904 йилда кайзер Фридрих музейининг Ислом бўлими сифатида асос солинган. Музейда анчагина қизиқарли экспонатлар тақдим этилган. Хусусан, XVII-XVIII асрларда Бухорода яратилган энг зўр миниатюралар, уларнинг ёрқин ўзига хослиги ушбу таъсирий санъат намуналарига нисбатан қизиқиш уйғотди.

Яқиндагина Дублиндаги Честер Битти кутубхонасида XVIII асрга мансуб ноёб бухороча миниатюралар ажратиб кўрсатилганди. Уларга вақт ва услуби жиҳатидан яқин бўлган, Бухорода XVII асрда яратилган иллюстрациялар ҳозирда Берлиндаги ислом санъати музейи кутубхонасида сақланмоқда.



Дрезден этнографик музейида иш музей маъмуриятининг лойиҳа билан танишишдан бошланди. Лойиҳани қўлдан келганча қўллаб-қувватлаган Саксония Федерал ери президенти доктор Маттиас Ресслер лойиҳа ғоясини ижобий қарши олди ва Дрезден музейларида Ўзбекистон меросининг катта коллекцияси сақланаётганини қайд этди. Учрашув доирасида Сноп хоним Дрезден этнографик музейида сақланаётган XIX аср бошлари артефактлари коллекцияси каталогини тақдим этди. Музей маъмурияти Ўзбекистонга тааллуқли коллекцияни ажра-

тиш бўйича иш олиб бориш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Дрезденнинг давлат бадий тўпламлари жаҳондаги энг муҳим ва қадимги музей комплексларидан бири ҳисобланади ва Дрезден, Лейпциг ҳамда Гернгутда 14 та музейларни бирлаштиради.

Бадий фонд, Герхард Рихтер архиви ва Бадий кутубхона ҳам музей бирлашмаси таркибига киради. Дрезден давлат бадий тўпламлари тарихи илдизлари 16 юз йилликда, саксон курфюрислар илк коллекцияларга асос қўйган чоғларга бориб тақалади. 2010 йилда Дрезден давлат бадий тўпламлари ўзининг 450 йиллик юбилейини нишонлади. Махсус лойиҳа учун Бадий тўпламлар ходимлари Ўзбекистон аниқ идентификация қилган 57 экспонатларни топишга эришдилар. Коллекциянинг каттагина қисмини кулолчилик экспонатлари



ташкил этади. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси ёрдами билан маданий мероснинг 83 объекти топилди ва ўрганилди, бироқ улар орасида ростмана қадимий артефактлар унчалар кўп эмаслиги қайд этилди.

Музейда Дрездендаги шахсий коллекционерлар топширган ўзбек гиламларининг қизиқарли коллекцияси мавжуд. Бошқа бир коллекционер музейга текстиль коллекциясини топширган.



Ижодий гуруҳ борган Германия музейлари ичида **Мюнхендаги беш қитъа музейи, Далемдаги Осие санъати музейи** ҳам бор. Бажарилган иш бир қатор ижобий ташаббусларга эга эканлиги ҳам эътиборга лойиқ. Лойиҳани амалга ошириш жараёнида турли музейлар билан кенг **тадқиқот ишлари** олиб бориш ҳақида шартлашиб олишга эришилди. Масалан, «Германия тўпламларида Ўзбекистоннинг маданий мероси» альбоми учун материаллар тайёрлаш чоғида Ўзбекистондан лойиҳа ижодий гуруҳи келиб

кетганидан кейин, Берлиндаги ислом санъати музейида реставрация устахонаси яратилди. Унда Афросиёб шаҳарчаси худудида топилган 20 минг дона сопол парчалари асосида дастлабки буюмлар тикланмоқда. Иш якунланганида музей маъмурияти мазкур мавзуга музейда айрим экспозицияни бағишлашни режалаштирмоқда. Шунга ўхшаш тадқиқотлар Штутгард музейида ҳам олиб борилмоқда, бу музейда Ўзбекистон бўйича коллекция ҳозирга қадар жиддий ўрганилмаган ва баҳоланмаган.

Россия миллий кутубхонаси Ольга Васильева бошчилик қиладиган сектор мутахассисларининг тадқиқот фаолияти яна бир муҳим ташаббусни олға сурди, улар «Алишер Навоийнинг асарлари XV–XVI асрлар китоб санъати дурдоналарида»





альбомини тайёрлаш доирасида буюк ўзбек шоирининг кутубхона тўпламларида сақланаётган китобларидаги дастхатини ўрганишди ва идентификация қилишди.

Махсус ишлаб чиқилган концепция доирасида Санкт-Петербург Россия илмий академиясининг Буюк Пётр номидаги Антропология ва этнография музейи (Кунсткамера)да ўзбек коллекциялари ва уларни баҳолаш бўйича жиддий иш олиб борилмоқда.

Мўғулистон музейи билан ишлар давом эттирилмоқда. Мўғулистон миллий тарих музейида этнографик буюмлар, тангалар, матолар, турли даврларга оид қўлёзмалар аниқланди, уларнинг кўпчилигини классификациялаш талаб қилинмоқда.

Шуни таъкидлашни истардикки, Ўзбекистоннинг бой маданий меросининг хилма-хиллигини кўрсатиш бутун сайёрамиз халқларининг Ўзбекистон ҳудудида бронза давридан бошлаб то ҳозирги кунгача тамаддун юксак даражада бўлганига ишонч ҳосил қилишларига имкон беради.








ШАРҚ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ ТЎПЛАМИ (Москва, Россия)



Ушбу салмоқдор жамланманинг илк китоби Шарқ давлат музейи тўпламидаги Ўзбекистон худудига оид бўлган буюмларнинг бой коллекциясига бағишланган. Шарқ давлат музейида қадимги, ўрта аср ҳамда замонавий Ўзбекистон санъатининг қисман маълум, аммо катта қисми ҳали ҳануз ўрганилмаган барча кўришнишларининг улкан коллекцияси тўпланган. Мазкур коллекция Ўзбекистон маданий меросининг ажралмас ҳамда муҳим қисми бўлиб, унинг катта ҳажмда бўлмаса-да, нашр этилиши олимлар ва кўп сонли китобхонларда катта қизиқиш уйғотиши табиий.



РОССИЯ ЭТНОГРАФИЯ МУЗЕЙИ ТЎПЛАМИ (Санкт-Петербург, Россия)



Ушбу китоб Санкт-Петербургдаги Россия Этнография музейининг бойва рангоранг тўпламига бағишланган. Унинг муаллифлари музей спецификасига мувофиқ ҳолда ўзбек коллекцияси қаторида қорақалпоқ коллекцияси ҳамда Ўрта Осиё араблари ва Бухоро яҳудийлари тўплamlарини ажратиб кўрсатадилар. Тақдим этилган буюмлар орасида Ўзбекистон таърихий-амалий санъатининг асл дурдона асарлари мавжуд. Ўтган асрнинг бошларида С.М. Дудин экспедицияси асосида ҳамда Ўзбекистондаги музей ходимларининг кейинги экспедициялари томонидан тўпланган буюмлар биринчи навбатда нашр этилади.



ТРЕТЬЯКОВ ДАВЛАТ ГАЛЕРЕЯСИ ТЎПЛАМИ (Москва, Россия)



Мазкур китоб Третъяков давлат галереясидаги Ўзбекистоннинг ҳозирги замон (XXI аср) рассомлик санъати тўпламларига бағишланган. Таркибига кўра ушбу китоб ягона бўлиб, бир талай манзарали асарлар, портрет ҳамда натюрмортлар билан ажралиб туради. Ушбу коллекция илк бор катта ҳажмда нашр этилмоқда ва шубҳасиз, нафақат Ўзбекистоннинг ҳозирги замон тадқиқотчилари учун, балки кенг қамровли китобхонлар учун қизиқиш уйғотади.



ЎЗБЕКИСТОН КАШТАЧИЛИГИ ВА ГИЛАМЛАРИ ХОРИЖИЙ ТЎПЛАМЛАРДА



«Ўзбекистон каштачилиги ва гиламлари хорижий тўпламларда» номли китоб-альбом бутун дунё бўлмаса-да, Австралия, Буюк Британия, Канада, АҚШ ва Россиядаги баъзи хориж музейлари ва хусусий жамланмалари борасида аниқ тасаввур бера олади. Китобда Ўзбекистон худудида XIX аср ва XX аср бошларига мансуб бўлган кашта ва гиламлар турлари муфассал таърифланган.





АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ XV-XVI АСРЛАР КИТОБАТ САНЪАТИ ДУРДОНАЛАРИДА (Россия Миллий кутубхонаси тўпламидан, Санкт-Петербург, Россия)



«Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида»нинг янги китоби бу ўзбек шоири Алишер Навоий ижодини акс этган Россия миллий кутубхонаси қўлёзма жамланмасига бағишланган. Мазкур қўлёзмалар XV-XVI асрларга оид бўлиб, Алишер Навоий ижодини ўрганишга катта ҳисса қўшган нашр бўлиб, ноёб тўпламни тақдим этади.



ЎЗБЕКИСТОН МУСИҚИЙ МЕРОСИ




Ўзбекистон музика маданиятига бағишланган ушбу китоб-альбом асосида ҳарбий капелъмейстер ва музика этнографи А.Ф. Эйхгорн тўпламидаги музика асбоблар коллекциясининг тавсифи жой олган. Шу билан бирга Ўзбекистон ҳудудида бронза давридан бошлаб (эр.авв. III–II) ҳозирги кунга қадар мавжуд бўлган музика асбоблар тарихининг мухтасар тавсифини тақдим этади, китобга Ўзбекистон музика мероси буюмларини сақлаётган бир қатор хориж тўпламларининг қисқача тавсифи илова этилган.

ШАРҚ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ ИНСТИТУТИ ТЎПЛАМИ (Санкт-Петербург, Россия)



«Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламида» туркумидаги «Шарқ қўлёмалари институти тўплами» китоб-альбомида шу заминда яшаб ижод қилган олимлар, усталар ва рассомлар томонидан яратилган китобат санъатининг беқиёс намуналари намойиш этилган бўлиб, улар музейнинг энг бебаҳо дурдоналаридан саналади. Китоб-альбом бугунги Ўзбекистон худудидаги турли ҳудудлар ва маданият марказларида китобат тарихини тадқиқ этиш учун муҳим ва қимматли манба бўлиб хизмат қилади.



ДАВЛАТ ЭРМИТАЖ МУЗЕЙИ ТЎПЛАМИ (Санкт-Петербург, Россия)



Ушбу китоб Санкт-Петербургдаги Давлат эрмитажининг бой ва рангоранг тўпламига бағишланган. Маълумки, Ўрта Осиё худудини ўрганиш тарихи петербурглик шарқшунослар билан чамбарчас боғлиқ. Айнан мана шу сабаб Россиянинг бош музейи – Давлат Эрмитажи Ўзбекистон худудига оид бўлган буюмларнинг дунё тўпламлари ичида энг катта коллекциясига эга ҳисобланади.

Мазкур альбом ушбу сериянинг уч альбоми ичидаги илк альбом ҳисобланиб, Ўзбекистон тарихи, маданияти ва санъатига бағишланган. Альбом Давлат Эрмитажи тўпламида сақланаётган бронза давридан тортиб ўрта аср бошларига мансуб машҳур ашёлар асосида яратилган.



ДАВЛАТ ТАРИХ МУЗЕЙИ ТЎПЛАМИ (Москва, Россия)



«Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламида» сериясидаги «Давлат тарих музейи тўплами» номли китоб-альбомда ДТМ тўпламининг турли жамланмаларда сақланаётган ўзбек коллекциясининг ноёб артефактлари тақдим этилган. Кўплаб буюмлар Россия ва хориж ҳудудидаги турли кўрғазмавий лойиҳаларда иштирок этган, бироқ мазкур нашр саҳифаларида илк бор жамланди. Шунини қайд этиш лозимки, ушбу альбомда китобхонлар эътиборига ҳавола этилаётган материаллар илк бор нашр қилинмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИ ГЕРМАНИЯ МУЗЕЙЛАРИДА (Берлин, Дрезден, Лейпциг)



Ушбу китоб Германия музейларининг қўшма коллекциясига бағишланган. Унда ўзбек маданий мероси, хусусан, Берлин давлат кутубхонасида сақланаётган буюк ўзбек шоири – Алишер Навоий ижодининг қўлёзма тўплами баёни, Дрезден Давлат маданий коллекцияси қурол-аслаҳалар палатасидан ўзбек хунармандчилиги ва қурол-аслаҳаларининг бир талай ажойиб намуналари, шунингдек, Ислон санъати музейи, Берлин этнография музейи ва бошқа музейлардаги турли-туман бадиий артефактлар- миниатюралар, Ўрта аср қўлёзмалари, кулолчилик ва тўқимачилик маҳсулотлари тўла равишда намоён этилган.



«ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИ ЖАҲОН ТЎПЛАМЛАРИДА» СЕРИЯСИНИНГ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАРИ

Кайд этиб ўтиш лозимки, лойиҳа бирданига икки йўналишда амалга оширилмоқда: Ўзбекистон маданий меросининг дурдоналари тўғрисидаги китоб-альбомни нашр эттириш бўлса, иккинчиси музей тўпламлари ҳамда шахсий коллекциялар ҳақида уч тилдаги ҳужжатли, фильмлар диски альбомларга илова этилган.

Машҳур тележурналист Шаҳноза Фаниева раҳбарлиги остида суратга олиш гуруҳи ташкил этилган бўлиб, унга таниқли бошловчилар, тасвирчилар, ёритгувчилар ҳамда монтаж режиссёрлари жалб этилган. Лойиҳани амалга ошириш доирасида «Ўзбекистоннинг маданий мероси» номли муаллифлик сериясининг эксклюзив ҳужжатли фильмларини суратга олиш мақсадида Москва, Санкт-Петербург, Берлин, Дрезден, Лейпциг, Прага ва бошқа шаҳарларга сафарлар уюштирилди.

Давлат Эрмидажи, Россия миллий кутубхонаси, Третьяков давлат галереяси, Шарқ Давлат музейи, Давлат тарих музейи, Россия Этнография музейи, Берлин давлат кутубхонаси, «Rustkammer» Дрезден музейи, Дрезден ва Лейпциг қўшма тўпламлари, «Напрстково» Прага музейи ва бошқа тўпламлар директорлари ва етакчи мутахассисларидан ушбу тўпламларнинг фахри ҳисобланган Ўзбекистонга оид нодир буюмлар тўғрисида интервьюлар ёзиб олинди.





Т.Г. ЕМЕЛЬЯНЕНКО БИЛАН ИНТЕРВЬЮ
(Россия Этнография музейи)

**МУЗЕЙ ДИРЕКТОРИ В.М.ГРУСМАН
БИЛАН СУХБАТ**
(Россия Этнография музейи)

**А.В. ОМЕЛЬЧЕНКО ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИНИНГ
ҚАДИМИЙ АРТЕФАКТЛАРИ ТЎҒРИСИДА**
(Давлат Эрмитажи)



ИНТЕРЬЕРНИ СУРАТГА ОЛИШ ЖАРАЁНИ
(Давлат Эрмитажи)

ФИЛЬМНИ СУРАТГА ОЛИШ ЖАРАЁНИ
(Шарқ қўлёзмалари институти)

**АЛИШЕР НАВОЙ ҚЎЁЗМАЛАРИ
БИЛАН ТАНИШИШ**
(Россия миллий кутубхонаси)

**ИДМИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА ДИРЕКТОР
ЎРИНБОСАРИ Е.А. РЕЗВАН БИЛАН
УЧРАШУВ**
(Кунсткамера, Россия)



**ЎЗБЕКИСТОН РАССОМЛАРИ ҲАҚИДА
ИНТЕРВЬЮ**
(Третьяков Давлат галереяси)

**РЕСТАВРАЦИЯ УСТАХОНАСИДА ИШ
ЖАРАЁНИНИ ТАСВИРГА ОЛИШ**
(Дрезден бадиий тўплами)

**ВИЛЛИ РИКМЕРСНИНГ МАШҲУР
КОЛЛЕКЦИЯСИ ҲАҚИДА СУХБАТ**
(Далем Музейи, Берлин)

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

ТАТАРИСТОН МИЛЛИЙ МУЗЕЙИ (Қозон, Россия)



Бош директорнинг илм-фан бўйича ўринбосари Светлана Юрьевна Измайлова ва бош директорнинг ривожланиш бўйича ўринбосари Маргарита Борисовна Сафиулина билан учрашув.



Татаристон миллий музейи Татаристоннинг етакчи музей маркази ва Волгабўйидаги йирик маданий-тарихий музейлардан биридир. 1894 йилда ташкил этилган ушбу музейда Қозон шаҳри археологи, тарихчи ва коллекционер А.Ф. Лихачёвнинг 40 мингта тўплами сақланмоқда. Бу тўпламни шаҳарга бўлажак музей учун унинг акаси вице-адмирал И.Ф. Лихачёв 1891 йилда берган. Бугунги кунда музей фондида 805 400 буюм мавжуд бўлиб, уларнинг 580 085 мингтасини асосий фонд экспонатлари ташкил этади.

Дастлабки қидирув ишлари давомида XIX–XX асрларга оид идиш, сопол, кийим-кечак, мато, кўрна, белбоғ, тамаки учун идиш каби Ўзбекистонга мансуб қарийб 50 та идентификацияланган буюм топилган. Музейда, шунингдек, Ўзбекистонга тааллуқлилиги тахмин қилинган бошқа идентификацияланмаган буюмлар, жумладан, археология ва этнографияга оид экспонатлар ҳам сақланмоқда. Қидирув ишлари бошланган ва

давом эттирилмоқда.



ҚОЗОН УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХИ МУЗЕЙИ (Қозон, Россия)

Музей директори Светлана Анатольевна Фролова билан учрашув



Музей маишур Қозон университетиде жойлашган. 1804 йилда ташкил этилган мазкур олий ўқув юртида турли йилларда Лев Толстой, Николай Лобачевский, Александр Бутлеров, ўнлаб таниқли олимлар, жамоат ва сиёсат арбоблари билим олган ва меҳнат қилган. Музей таркибиде яна 10 та музей бор. Этнография музейи, Археология музейи, Қўлёмалар ва нодир китоблар бўлимида бизни қизиқтирган коллекциялар кенг намоиши этилган. Директорнинг маълум қилишича, музейда этнография предметлари, қурол-аслаҳа, Афросиёбнинг сопол буюмлари, бошқа археологик топилмалар, шунингдек, қўлёмалар, фотосуратлар ва бошқа предметлар бор. Музей предметларининг аксарияти Ўрта Осиёга 10 йилга ижодий хизмат сафарига (ўша пайтда шундай амалиёт бўлган) борган университет профессорлари томонидан харид қилинган

коллекцияларнинг ўзига хослигидан далолат беради. Шунинг учун музейда университет билан боғлиқ ва ҳеч қачон чоп этилмаган фотосуратлар, қўлёмалар мавжуд. Айни пайтда тадқиқот ишлари бошланган ва Бибихоним масжидининг XIV–XV асрларга оид сугориши учун мўлжалланган архитектура қисмлари, Афросиёбнинг лойдан ясалган хайкачалари, XIX асрда Ўзбекистоннинг турли вилоятларига мансуб матолар, чопонлар, кўзалар, турмуш буюмларини ўз ичига олган дастлабки топилган коллекциялар юборилган. Бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

ҲИНДИСТОН МИЛЛИЙ МУЗЕЙИ (Нью-Дехли, Ҳиндистон)

Ҳиндистон миллий музейи бош директори, доктор Б.Р. Мани, кўлёмалар бўлими куратори Катибар Раҳмон ва музейнинг бошқа мутахассислар билан Конрад Аденауэр номидаги жамғарма (Германия) воситачилигидаги учрашув.



Ҳиндистон миллий музейи Ҳиндистондаги энг йирик музей бўлиб, турли археологик топилмалар, тарихий артефактлар ва санъат буюмларидан иборат коллекцияни ўз ичига олган. Музейда 200 мингдан ортиқ санъат асарлари сақланмоқда. Коллекцияда қурол-аслаҳа, амалий-безак санъати буюмлари, заргарлик буюмлари, кўлёмалар, суратлар, миниатюралар ва бошқа буюмлар бор. Амир Темури авлоди, Бобурийлар сулоласи асосчиси Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг (1483–1530) хотиралари битилган «Бобурнома» асари коллекциянинг алоҳида қисмини ташкил қилади. Асар эски ўзбек тилида ёзилган бўлса-да, айрим иборалар ва шеър парчалари форс тилида битилган. Буюк муҳаддис Имом Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорийнинг асарлари мусулмон оламида муқаддас Қуръони каримдан сўнг энг ишончли манба деб эътироф этилган «Бухорийи Шариф» ҳадислар тўплами ҳам диққатга сазовордир. Имом Термизий ва Насоий ҳадисларни ўз ичига олган кўлёмалар муаллифлари ҳисобланади. «Термизийи Шариф» ва «Насоийи Шариф» сифатида кенг танилган ушбу кўлёмалар олти та ҳақиқий ҳадислар тўпламига киритилган. Уша даврда ҳуқуқ соҳасида энг машҳур фундаментал асарлардан бири бўлган «Ал-Ҳидоя» ҳам ўзбекистонлик олим томонидан ёзилган.



Шунингдек, алгебрага мустақил фан сифатида асос солган ва милодий IX асрда квадрат тенгламалар таснифи ва уларни ечиш услубларини яратган Муҳаммад ибн Мусо Ал-Хоразмий асарларини таъкидлаш ўринлидир. Яна бир атоқли олим, тарихчи ва географ Ал-Беруний Ҳиндистонни ўрганишга бағишланган машҳур география асарлари, шунингдек, гуманитар ва табиий фанларга оид кўплаб асарлар муаллифидир. Абу Али ибн Сино, шайх Жалолiddин Бухорий асарлари, Феруз шох Тўлукнинг энг ажойиб тасаввуф асарларидан бири «Малфузат»ни ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Музей кўлёмалари орасида Мавлон Саъдиддин ат-Тафтазаний, Баъди Самарқандий, Бадахший, Бисоти Самарқандий, Хўжа Исматулло Бухорий, Шайх Миржон Бухорий, Хаёли Бухорий, Нодир Самарқандий ва бошқа кўплаб донишмандлар асарлари ҳам бор. Ҳиндистон миллий музейида муқаддас Қуръоннинг Ўзбекистон худудида қайта кўчирилган кўлаб ноёб кўлёмалари ҳам сақланмоқда. Ушбу кўлёмаларни бобурийларга тухфа сифатида олиб келишган ва уларнинг муқовасида ҳоконнинг тамғаси босилгани шундан далолат беради.



НАПРСТКОВ МУЗЕЙИ (Прага, Чехия)

Напрстков музейи директори Диттертов, доктор Михаэла Поспешилова ва доктор Тереза Гейзларова (Марказий Осиё санъати ва хунармандчилиги ҳақидаги китоб муаллифи) билан учрашув.



Напрстков музейи (Прага) Чехия миллий музейининг бўлинмаси ҳисобланади. Музейда Осиё, Африка, Америка, Австралия ва Океаниянинг қадимий маданиятига бағишланган кенг қамровли этнография коллекцияси (100 мингга яқин нусхада) сақланмоқда. Ўзбекистон бўлимида Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Қўқондан келтирилган 266 хилма-хил этнологик артефактлар намойиш этилган. Ушбу музейдаги Ўзбекистон артефактлари асосан XVII–XIX асрларга оид Самарқанд ва Бухоронинг металл идишлари (чойнак, кўза, коса, патнис, тақсимча), олтин, кумуш, мис, жездан ясалган, денгиз маржонлари, кахрабо, феруза, оникс, опал, садаф, дур ва ёқут билан безатилган тақинчоқлар (зирақ, билакузук, балдок, узук, маржон, камар тўқаси, бош, кўл ва либослар учун безаклар), миниатюралар билан безатилган кўлёмалар ва уларнинг айрим саҳифалари, гиламлар, чодир матолари, хуржунлар, либос учун кўчманчи қоп, пахта, шойи, жундан тайёрланган кийим-кечак, бош кийимлар, шунингдек, пойабзал, мусиқа асбоблари, ёғочдан ясалган хунармандчилик ва бошқа буюмлардан иборат. Ўзбекистонга мансуб 70 га яқин маданий артефактлар Прагадаги Миллий галерея депозитарийсида (Národní galerie v Praze) ҳам сақланмоқда. Чехия миллий кутубхонасида Ўзбекистон билан боғлиқ кўлёмалар мавжуд. Солномачи Ал-Хадими ал-Исфажоний ва Исомиддин бин Муҳаммаднинг «Рисалат ал-истиорат ас-Самарқандия» асари улар орасида энг қимматбаходир. 20,5×15 см форматда ёзилган кўлёманинг ҳажми қоғоз шаклда 200 бетни ташкил қилади.

БРИТАНИЯ МУЗЕЙИ (Лондон, Буюк Британия)

Шарқ санъати коллекцияси куратори доктор Жонатан Табб, ислом коллекциялари кураторлари доктор Лада Акбарниа ва доктор Уильям Гринвуд билан учрашув.



Британия музейи Буюк Британиянинг асосий тарихий-археологик музейи бўлиб, дунёда томошабинлари сони бўйича Луврдан кейинги иккинчи йирик санъат музейи ҳисобланади. 1753 йил ташкил этилган. Британия музейининг доимий коллекцияси 13 миллиондан ортиқ экспонатдан иборат ва дунёдаги энг катта ҳамда қимматбаҳо ҳисобланади. Музей фондларида дунёнинг барча қитъаларидан келтирилган, инсониятнинг палеолит давридан бугунги кунгача бўлган тарихини қамраб олган буюмлар сақланмоқда. Британия музейи коллекциялари буюмларидан 100таси галереяга жойлаштирилган. Унинг барча фондлари бир қанча бўлимларда ташкил қилинган. Осиё бўлими экспонатлари бутун Осиё қитъаси моддий маданиятини акс эттиради. Британия музейининг Исломга бағишланган экспозициясида Ислом тараққиётидан бошлаб, Усмон халифалиги парчаланишгача бўлган турли мусулмон сулолалари даврининг санъат буюмлари, жумладан, буюк аждодимиз Мирзо Улубекнинг машҳур нефрит қадаҳи сақланмоқда.

ЭШМОЛ МУЗЕЙИ (Оксфорд, Буюк Британия)

Бош сақловчининг ўринбосари, ислом санъати коллекциялари ва музейнинг бошқа ходимлари куратори доктор Франческа Леони билан учрашув.



Буюк Британиядаги энг эски ва барча учун очик Эшмол санъат ва археология музейи Оксфорд университети хузурида фаолият кўрсатаётган тўртта музей муассасаларининг биридир. Музей 1683 йил университетга Элиас Эшмол томонидан васият қилинган ноёб буюмларни сақлаш учун махсус лойиҳа-лаштирилган ихчам бинода ташкил қилинган. 150 йил давомида Эшмол музейи Оксфорд университетида табиий фанлар соҳасида тадқиқотлар олиб борилган марказ бўлди. Аммо, XIX асрда коллекциялар Оксфорднинг тўртта музейи ўртасида қайта тақсимланди. Илм-фан тарихи музейи эски бинога кўчирилди, Эшмол музейи эса археология ва санъат йўналишига ихтисослаштирилди. Эшмол музейи қадимги Миср санъати ва Уйғониш даври (Микеланжело, Рафаэль, Леонардо да Винчи) графикаси тўпламлари билан донг таратган. Сураатлар галереясида Уччелло, Жоржоне, Рубенс, Рембрандт, Лоррен, Тёрнер, Ренуар ва Пикассо асарлари сақланмоқда. Музейда қадимги тангалар, Ўрта асрларга оид қурул ва аслаҳалар мавжуд. Ўзбекистоннинг аниқланган коллекцияси юртимизнинг турли ҳудудларининг XVIII– XIX асрларга оид кийим-кечак ва пойабзал буюмлари, Мовароуннаҳр мактабининг XV–XVII асрлардаги қўлёзма ва миниатюраси қисмлари, хусусан, Ҳусайнали Ҳусайний (1516–1575), Абдурахмон Жомий (1414–1492), Мир Али Котиб (1528– 1544) асарлари қўлёзмалари, X–XV асрларга оид сопол буюмлар, кўзалар, этнологик ва археологик материаллардан иборат.



БОДЛЕАН КУТУБХОНАСИ (Оксфорд, Буюк Британия)

Кутубхона коллекциясининг Шарқ бўлими раҳбари доктор Жулиана Эвисон ва Эрон, Ислон ва яқин Шарқ қўлёмалари куратори доктор Аласдэрм Уотсон билан учрашув.




Оксфорд университетининг Бодлеан кутубхонаси Ватикан ва Европадаги энг кекса кутубхона, Британия билан Буюк Британиядаги энг йирик китоб тўплами жамланган кутубхона номига эга бўлиш учун бахслашмоқда. 1610 йилда (расман 1662 йилдан) мамлакатда чоп этиладиган барча нашрлар нусхаларига эга бўлиш ҳуқуқи берилган. Кутубхона қиролича Елизаветанинг дипломатик хизматида бўлган ва таниқли қадимги қўлёмалар тўпловчиси сэр Томас Бодли (1545–1613) номи берилган. Шундай эса-да, епископ Томас де Кобэм (1327 йилда вафот этган) унинг асосчиси ҳисобланади. У университет ҳузурида мўъжазгина китоблар тўпламини ташкил қилган ва улар бинодан олиб кетилишининг олдини олиш мақсадида жовонларга занжирлар билан кишанлаган. 1410 йилда ушбу кутубхона тўлиқ университет тасарруфига ўтказилган ва кейинчалик герцог Хамфри Глостерский университетдаги тўпلامни кенгайтирган. Унинг ҳомийлигида 1450 йил кутубхона янги, янада кенг бинога кўчирилган ва бу бино бугунги кунгача сақланиб турибди. Ўзбекистон билан боғлиқ қўлёмалар коллекцияси катта. Бизга Абу Али ибн Синонинг XII асрдаги «Тиб қонунлари» (Европадаги иккинчи китоб), Мирзо Улуғбекнинг юлдузлар жадвали, Алишер Навоийнинг ноёб қўлёмалари (XV–XVI асрлар), Беҳзоднинг Навоий ва Жомий сувратлари тасвирланган миниатюрлари намоиши этилди.



ВИКТОРИЯ ВА АЛЬБЕРТ МУЗЕЙИ (Лондон, Буюк Британия)

Шарқ санъати коллекцияси куратори доктор Тим Стенли билан учрашув.



Виктория ва Альберт музейи дунёдаги йирик амалий-безак санъати ва дизайн музейи. 1852 йилда ташкил этилган бу музей дунёнинг энг кўп одам ташриф буюрадиган йигирмата музейларидан биридир. Бу ерда юздан ортиқ сурат, ўнлаб хайкаллар, Ўрта асрларга оид буюмлар, матолар, театр коллекцияси, бадиий сопол буюмлар ўрин олган. Музейда Буюк Британиядаги илк фотосуратлар коллекцияси сақланмоқда. 150 йил давомида тўпланган ислом санъатининг дунёдаги энг йирик коллекцияларидан бирига эга. Музейнинг исломга оид экспонатлари еарбда Испаниядан Марокашгача, шарқда Ўзбекистондан Афғонистонгача тарқалган. Музей ислом даврига оид сопол, тўқимачилик буюмлари, қурол-яроғ, заргарлик буюмлари, шиша, ёғоч буюмлар, мойбўёқ билан чизилган расмлар, санъат асарлари, китоблар, архитектура чизмалари бўйича дунёда етакчи коллекцияга эга. «Амударё хазинаси» деб номланган санъат асарлари ва буюмлари катта қизиқиш уйғотади. Улар қадимги шимолий Бахтрия ҳудудида топилган буюмлардир. Шунингдек, Сўед тангалари, Афросиёбнинг хайкалтарошлик тасвирлари, IV–III асрларга оид Кўйқирилганқалъа, Бахтрия, Сўед, Хоразмнинг кулолчилик идишлари коллекциялари кишини мафтун этади



ЛУВР (Париж, Франция)

Ислом санъати департаменти директори доктор Янник Линц билан учрашув.

Лувр музейи – дунёнинг энг машҳур ва йирик музейларидан бири. Луврда ҳамма нарсани топиши мумкин, шу боис уни универсал музей дейишади. Унинг коллекциялари замон ва макон нуқтаи назаридан жуда катта кенгликни – Ғарбий Европадан Эронгача, Грециядан Миср ва Яқин Шарқгача, антик даврдан 1848 йилгача бўлган экспонатларни ўз ичига олади. Музейга 1792 да асос солинган. Унда 300 000 га яқин экспонат сақланади. Шундан фақат 35 мингта-



си заллардан ўрин олган. Кўпгина экспонатлар махсус омборларда сақланади, уларнинг сақланиши ҳолатига қараб, уч ойдан кўпроқ вақт мобайнида томошабинларга кўрсатишининг имкони бўлмайди. Дастлабки изланишларимиз натижаси ўлароқ, Ўзбекистон билан боғлиқ 300 дан ортиқ артефакт аниқланди. Улар орасида археологик топилмалар, уй-рўзеор буюмлари, кийим-кечаклар, пойабзаллар, кулолчилик буюмлари, металллар ва тақинчоқлар бор. Қадимги ҳудудларга оид бўлимларни йириклаштириши мақсадида Тарихий ҳудудлар Европанинг бошқа музейларидаги каби йириклаштирилган шаклда бўлимларга тақсимлангани учун зарур маълумотларни Самарқанд, Бухоро, Хива сингари калит сўзлар орқали қидиришига тўғри келди. Янник Линц хоним бизнинг Францияга оид



альбомимизни тайёрлашга яқиндан ёрдам беришни ўз зиммасига олди ва бизга Франция бўйлаб илмий гуруҳ ташкил этишида бир қанча француз олим ва мутахассисларини тавсия қилди. Ўзбекистонга оид коллекцияларнинг кенг қамровлилиги ва мамлакатнинг бир қанча музейларида тарқоқ жойлашганини ҳисобга олиб, изланишларимизни Лувр билан бирга бир қанча музейлар бўйлаб давом эттиришига қарор қилдик. Улар орасида Гиме Миллий Шарқ санъати музейи, Бранли Соҳил музейи, Ислом маданияти институти, «Чернуски» Осий санъати музейи, Араб дунёси институти, Бордо Жаҳон халқлари этнографияси музейи, Франция Миллий кутубхонаси ва бошқаларни кириштишимиз мумкин.

ТЎПҚОПИ САРОЙИ (Истанбул, Туркия)

Босфор университети профессори доктор Лале Улуч билан учрашув.



Тўпқопи (қад. Ҳарам) – XIX асрда Усмонийлар салтанатининг энг йирик қасри саналган. У Истанбулнинг тарихий марказида, Саройбурни мавзейида, Мармар денгизининг Босфор ва Олтин Шох кўрфазлари туташган нуқтада жойлашган. Усмонийлар салтанати қулагач, музей Ер юзидаги майдони жиҳатидан энг катта музейлардан бирига айлантирилди. Музей залларидан 65 мингдан ортиқ экспонат ўрин олган. Бу фонddaги умумий коллекцияларнинг ўндан бири, холос. Қаср-боғ мажмуаси уни ўраб олган деворлар билан бирга ҳисоблаганда, барча боғ ва иншоотлар билан биргаликда 700 минг квадрат-километрни ташкил этади. У Истанбулнинг 1985 йилда ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган тарихий ҳудудларидан бири саналади.

Тўпқопи саройида «Тўпқопи мажмуаси» номини олган Қуръони каримнинг VIII–IX асрларга мансуб, куфий хатида битилган нусхаси, Мир Алишер Навоий асарлари, Мовароуннаҳр ҳудудига мансуб илк ва кейинги давр қўлмалари жойлашган. Турк ва ислом санъати музейида Қуръони каримнинг XV–XVII асрларда кўчирилган нусхалари, Темурийлар даврига оид Шарқ қўлмалари ҳам ўрин олган.



ИСПАНИЯ МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ (Мадрид, Испания)



Испания Миллий кутубхонаси – мамлакатнинг энг йирик оммавий кутубхонаси. Унга 1712 йилда қирол Филипп V томонидан Қироллик кутубхонаси сифатида асос солинган ва барча учун очиқ деб эълон қилинган. Кейинчалик, испан зодагонларининг бир қанча кутубхоналари унга бирлаштирилган. Барча босма хоналар ўзлари чоп этган китоблардан бир нусхадан Қироллик кутубхонасига топширишлари шарт қилиб қўйилган.

1836 йилдан кутубхона Миллий мақомини олган. Эндиликда у Қиролга эмас, ҳукуматга қарашли. Монастирлардан мусодара қилинган китоблар ҳам айнан ушбу кутубхона ихтиёрига берилган. Бугун кутубхонанинг умумий фонди 26 миллион нусхани ташкил қилади. Шундан 15 миллион нусхасини китоблар ва бошқа босма маҳсулотлар ташкил қилади. Шунингдек, кутубхона фондидан 30 мингта қўлёзма, 143 000 нусха газета ва даврий нашрлар, 4 500 000 график материаллар, 510 000 мусикий партитуралар, 500 000 харита, 600 000 таъриҳий ёзувлар, 90 000 аудио ва видеоматериаллар, 90 000 электрон ҳужжатлар ва бошқалар учрайди. Кутубхонанинг бугунги раҳбари Анна Сантос Арамбура бу лавозимга 2013 йилда тайинланган.

Кутубхонада сақланаётган, Ўзбекистонга дахлдор экспонатларнинг энг нодири шубҳасиз машҳур испан элчиси ва сайёҳатчиси, 1404 йилда Мовароуннаҳрга - Соҳибқирон Амир Темур саройига таширф буюрган Дон Рюи Гонзалес де Клавихонинг кундалиги ҳисобланади. Клавихо Кастилия қиролининг мактуби билан 1404 йилнинг 22 май куни Кадис портидан сафарга отланади. Родос ороли орқали Константинополга, у ердан Трапезундга йўл олади. Хуллас, сентябр ойида Самарқандга етиб келади.

Клавихо бу ерда қарийб ярим йил қолиб кетган, Амир Темур тасарруфидаги ҳудудларда ҳаёт тарзи билан танишган, ўта ҳассослик билан маҳаллий урф-одатларни ўрганган ва қаламга олган. 1405 йил февралда Соҳибқироннинг ўлимидан сўнг Клавихонинг элчилик фаолияти ҳам ўз маъносини йўқотади ва ортга қайтади. 1406 йил мартда у Кастилияга қайтиб келади. Клавихонинг кундалиги иккита рўйхатда сақланади.

ХАЛҚАРО КОНГРЕССНИНГ ХОРИЖЛИК ИШТИРОКЧИЛАРИ

АЛЕКСАНДР ВИЛЬГЕЛМ

«Мюллер ва Шендлер» наприётининг
маркетинг ва ривожлантириш бўйича
вице-президенти, Германия, Австрия



ШАҲИН МУСТАФАЕВ

Озарбайжон Миллий фанлар
академияси, Шарқшунослик
институти директори ўринбосари, академик,
тарих фанлари доктори, профессор



ХАДИЖА АСАДОВА

Озарбайжон миллий санъат музейи
илмий ишлар бўйича директор ўринбосари,
санъатшунослик фалсафаси доктори, Озарбайжон
рассомлари уюшмаси аъзоси



ЛАДАН АКБАРНИА

Британия музейи, Ислом
жамланмалари куратори, доктор



БЕҲРЎЗ ҚУРБОНОВ

Штутгарддаги Линден номидаги
музейнинг, Шарқ бўлими ходими



ГЕНРИХ ХАРКЕ

Тюбинген университети профессори



КЕТЛИН ГЕБЕЛЬ

CULTUR-COOPERATION
INTERNATIONAL e.V. директори
(Берлин, Германия)



КРИСТОФ РАУХ

Берлин давлат кутубхонаси,
Шарқ бўлими директори



КУБЛАШВИЛИ ГЕОРГИЙ РЕНАЛЬДОВИЧ

Грузия миллий фанлар академияси, Грузиянинг
Ўзбекистондаги собиқ элчиси, профессор



РОБЕРТ ВАН ГЕНТ

Голландия Утрехт университети,
доктори



КАТИБУР РАҲМОН

Ҳиндистон миллий музейи
Қўлғазмалар бўлими куратори, доктор



БУДДА РАШМИ МАНИ

Ҳиндистон Миллий музейи,
Бош директори, доктор



МИШЕЛЬ ХАРДИ

Альбертдаги Калгари университети
Nickle галереяси куратори, доктор, Канада



**БАЙПАКОВ
КАРЛ МОЛДАХМЕТОВИЧ**



А.Х. Маргулан номидаги археология институти фахрий директори, академик, тарих фанлари доктори, профессор (Қозоғистон)

**ВОЯКИН
ДМИТРИЙ АЛЕКСЕЕВИЧ**



Қозоғистон Республикасининг Бутунжаҳон мероси миллий қўмитаси раиси ўринбосари, тарих фанлари номзоди

**АМАНБАЕВА
БАКИТ ЭЛТИНДИЕВНА**



Қирғизистон миллий фанлар академияси тарихий ва маданий мерос институти етакчи илмий ходими, маданий мерос маркази муdiri, тарих фанлари номзоди, Қирғизистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

МАРЕК ЯН ОЛЬБРИХТ



Жешув шаҳри университети, қадимги тарих ва шарқшунослик департаменти раҳбари Польша, Профессор, доктор

**ДВУРЕЧЕНСКАЯ
НИГОРА ДАВЛЯТОВНА**



Москва археология институти классик археология бўлими илмий ходими, тарих фанлари номзоди

**СЕДОВ АЛЕКСАНДР
ВСЕВОЛОДОВИЧ**



Шарқ давлат музейи бош директори, тарих фанлари доктори

**КУПИНА
ЮЛИЯ АРКАДЬЕВНА**



Буюк Пётр номидаги Антропология ва этнография музейи, Кунсткамер, директор ўринбосари, тарих фанлари номзоди

**ЕРМАКОВА ЕКАТЕРИНА
СТАНИСЛАВОВНА**



Шарқ давлат музейи Ўрта Осиё ва Кавказ халқлари тасвирий санъати бўлими муdirаси, тарих фанлари номзоди

**КАРПОВА
ТАТЬЯНА ЛЬВОВНА**



Третьяков Давлат галереяси илмий ишлар бўйича бош директор ўринбосари, санъатшунослик доктори

**ПОЛЯНСКАЯ
ОЛЬГА МИХАЙЛОВНА**



Третьяков Давлат галереяси илмий ходими, санъат тарихшуноси

**ЕМЕЛЬЯНЕНКО
ТАТЬЯНА ГРИГОРЬЕВНА**



Россия Этнография музейи Ўрта Осиё халқлари анъанавий маданияти бўйича етакчи илмий ходими, тарих фанлари номзоди

**ПРОКОПЬЕВА
НАТАЛЬЯ НИКОЛАЕВНА**



Россия Этнография музейи бойлиқларини ҳисобга олиш, сақлаш ва реставрация қилиш бўйича директор ўринбосари

**ФРОЛОВА
СВЕТЛАНА АНАТОЛЬЕВНА**



Қозон (Приволж) федерал университети музей-кўргазма мажмуаси раҳбари, Қозон университети тарих музейи директори, тарих фанлари номзоди, доцент

**ЧИСТОВ
ЮРИЙ КИРИЛЛОВИЧ**



Буюк Пётр номидаги Антропология ва этнография музейи, Кунсткамер, директор, тарих фанлари доктори

**АРЖАНЦЕВА
ИРИНА АРКАДЬЕВНА**



РФА Этнология ва антропология институти
Евроосиё археология маркази мудираси, етакчи илмий
ходим, тарих фанлари номзоди

**НИКОНОРОВ
ВАЛЕРИЙ ПАВЛОВИЧ**



РФА тарихий моддий маданият институти Марказий
Осиё ва Кавказ археологияси бўлими катта илмий ходими

**ШИШЛИНА
НАТАЛЬЯ ИВАНОВНА**



Давлат тарих музейи археологик ёдгорликлар
бўлими мудираси, тарих фанлари доктори

**ГОРДЕЕВА
ОЛЬГА ГЕОРГИЕВНА**



Давлат тарих музейи
матолар бўлими раҳбари

**ВАСИЛЬЕВА
ОЛЬГА ВАЛЕНТИНОВНА**



Россия миллий кутубхонаси
Шарқ жамланмаси сектори мудираси

**КУЛАКОВА
ЛАРИСА ЮРЬЕВНА**



Давлат Эрмитажи Шарқ бўлими илмий ходими

**ОМЕЛЬЧЕНКО
АНДРЕЙ ВЛАДИМИРОВИЧ**



Давлат Эрмитажи Шарқ бўлими Ўрта Осиё, Кавказ ва
Крим тармоғи катта илмий ходими, тарих фанлари
номзоди

**ЛУРЬЕ
ПАВЕЛ БОРИСОВИЧ**



Давлат Эрмитажи Шарқ бўлими Ўрта Осиё, Кавказ ва
Крим тармоғи мудираси, филология фанлари номзоди

**КАШОВСКАЯ
НАТАЛЬЯ ВАСИЛЬЕВНА**



Динлар тарихи давлат музейи
«Шарқ динлари» бўлими мудираси

**ТИТОВА
ЕЛЕНА ВИКТОРОВНА**



Бутунроссия тасвирий-амалий ҳамда
халқ санъати музейи директорининг бош маслаҳатчиси,
санъатшунослик номзоди

**АНДРЕЕВА
ГАЛИНА БОРИСОВНА**



Бутунроссия тасвирий-амалий ҳамда халқ
санъати музейи директори бош маслаҳатчиси,
санъатшунослик номзоди

**САФИУЛЛИНА
МАРГАРИТА БОРИСОВНА**



Татаристон Республикаси Миллий музейи
ривожлантириш ишлари бўйича бош директор
ўринбосари

**ОСМАНОВА
ИРИНА АНДРЕЕВНА**



Динлар тарихи давлат музейи
«Шарқ динлари» бўлими илмий ходими

**ПОПОВА
ИРИНА ФЕДОРОВНА**



РФА Шарқ қўлёмалари институти
директори, тарих фанлари доктори, профессор

**ЦАРЕВА
ЕЛЕНА ГЕОРГИЕВНА**



Буюк Пётр (Кунсткамер) номидаги
Антропология ва этнография музейи
илмий ходими, тарих фанлари номзоди

КЭРОЛ БЬЕР



Ж. Вашингтон университети Тўқимачилик
музейи асосчиси, ислом тадқиқотлари маркази
куратори

**НАЙМАРК
АЛЕКСАНДР ИЛЬИЧ**



АҚШнинг Хофстер университети (Нью-
Йорк) тасвирий санъат, дизайн, санъат тарихи
кафедраси мудир

СТЮАРТ ГИБСОН



АҚШнинг ЮНЕСКО масалалари бўйича
маслаҳатчиси

МАЙКЛ БАРРИ ЛЕЙН



ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги
собиқ вакили

ЛАЛЕ УЛУЧ



Босфор университети профессори, доктор

**СОНГЮЛЬ
КАРАХАСАНОГЛУ**



Давлат консерваторияси профессори

ҲАСАН КОНДУ



Mega Basim босмахонаси
бош директори

СЕЛИМ КОНДУ МУСТАФА



Mega Basim директори

ПЬЕР ЛЕРИШ



Франция миллий тадқиқот маркази,
Термиздаги Ўзбек-француз археология
экспедицияси раҳбари, профессор, тадқиқотлар
бўйича фахрий директор

ЖАН ДЮРИНГ



Француз илмий тадқиқотлари миллий маркази
фахрий илмий ходими, профессор

БЕРТИЛЬ ЛИОННЕТ



Француз илмий тадқиқотлари миллий маркази
илмий тадқиқотлар бўйича фахрий директор,
доктор

КЭТРИН ПУЖОЛЬ

IFEAC Франция Марказий Осиё тадқиқотлари институтининг Бишкекдаги минтақавий директори, профессор, доктор

**ФРЕДЕРИК
БОПЕРТЮИ-БРЕССАНТ**

«Темурийлар тарихи ва санъати уюшмаси» президенти ва таъсисчиси, «Темурийлар» журнали муҳаррири, «Афросиёб тасвирий санъатини асраб-авайлаш» ассоциацияси вице-президенти

**ШЕХРИЗАДЕ
ҚАСИМ ҲАСАН**

Муסיқачи, Яқин ва Ўрта Шарқ муסיқаси бўйича мутахассис, доктор, Шарқ ва Африка тадқиқотлари Лондон мактаби муסיқа кафедраси илмий ходими

РОККО РАНТЕ

Лувр музейи археолог-тадқиқотчиси, доктор

ЖЕРАР ФЮССМАН

College de France (Коллеж де Франс) доктори, профессор

ЛАДИСЛАВ СТАНЧО

Карлов университетети фалсафа факультетининг классик археология институти, халқаро экспедициялар раҳбари, доктор

**ЖОЗЖАНИ ШАРАЙ
САИД АБДУЛ ҲАКИМ**

Юридик фанлари доктори, профессор, Бобур халқаро жамоатчилик фонди Стокгольм филиали раҳбари

**ЛАПТЕВ
СЕРГЕЙ ВАЛЕРИАНОВИЧ**

МИХО музейи махсус илмий ходими, тарих фанлари номзоди, профессор

ТСУГЕ ГЕНИЧИ

Тасвирий санъат ва муסיқа миллий университетети доктори, профессор

ХАЛҚАРО КОНГРЕССНИНГ ЎЗБЕКИСТОНЛИК ИШТИРОКЧИЛАРИ



МАҲМУД МҮМИНОВИЧ МУРАТОВ

Маданият вазирлиги,
маданият вазири

КАМОЛА БОЛТАБАЕВНА АКИЛОВА

Маданият вазирлиги,
вазир ўринбосари
Санъатшунослик номзоди

БЕҲЗОД СОДИҚОВИЧ ЙЎЛДОШЕВ

Ўзбекистон Фанлар академияси,
президент,
Ўзбекистон Фанлар академияси ака-
демиги, физика-математика фанла-
ри доктори

БАҲРОМ АБДУРАҲИМОВИЧ АБДУҲАЛИМОВ

Ўзбекистон Фанлар академияси,
вице-президент,
тарих фанлари доктори

АКМАЛ ВАҲОБЖАНОВИЧ НУРИДИНОВ

Бадий академия,
бадий академия рахбари,
академик, Ўзбекистон халқ рассоми,
Ўзбекистон давлат мукофоти лауре-
ати

ЗУҲРА ИБРАГИМОВНА РАҲИМОВА

Бадий академия,
К. Бехзод номидаги Миллий рассомлик
ва дизайн институти профессори,
санъатшунослик номзоди

НАДЕЖДА РАУПОВНА МАНАСИПОВА

Бадий академия,
Рерих жамияти

РАВШАН МАЖИДОВИЧ АБДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Фанлар академияси
Тарих институти,
директор,
тарих фанлари доктори

ШУҲРАТ БАҲРОНОВИЧ МУҲАММЕДОВ

Ўзбекистон Фанлар академияси
Тарих институти,
директор ўринбосари,
тарих фанлари номзоди,
доцент

БАҲОДИР АЗИЗОВИЧ ТУРҒУНОВ

Ўзбекистон Фанлар академияси
Тарих институти,
бўлим мудури,
тарих фанлари номзоди

МАВЛУДА АМИНЖОНОВНА ЮСУПОВА

Ўзбекистон Фанлар академияси
Тарих институти,
бўлим мудури,
архитектура доктори

ДИЛОРОМ АГЗАМОВНА АЛИМОВА

Ўзбекистон Фанлар академияси
Тарих институти,
тарихшунослик ва манбашунослик
бўлими мудираси,
тарих фанлари доктори,
профессор

АЛЕКСЕЙ НИКОЛАЕВИЧ ГОРИН

Ўзбекистон Фанлар академияси
Тарих институти,
катта илмий ходим,
тарих фанлари номзоди

ФЕРУЗА ШОКИРОВНА ШОМУКАРАМОВА

Ўзбекистон Фанлар академияси
Тарих институти,
тарихшунослик ва манбашунослик
бўлими катта илмий ходими,
тарих фанлари номзоди

МАРГАРИТА ИВАНОВНА ФИЛАНОВИЧ

Ўзбекистон Фанлар академияси
Тарих институти,
Ўзбекистон қадимги тарихи ва
моддий маданияти бўлимининг
катта илмий ходими,
тарих фанлари номзоди

ЖАНГАР ЯВДАТОВИЧ ИЛЬЯСОВ

Ўзбекистон Фанлар академияси
Тарих институти,
етакчи илмий ходим,
санъатшунослик номзоди

АКБАР АБДУЛЛАЕВИЧ ҲАКИМОВ

Ўзбекистон Фанлар академияси
Тарих институти,
Бадий академия академиги,
санъатшунослик доктори

АБДУРАҲИМ МУТАЛОВИЧ МАННОНОВ

Шарқшунослик институти,
ректор, филология фанлари доктори

АШРАФ АҲМЕДОВИЧ АҲМЕДОВ

Шарқшунослик институти,
етакчи илмий ходим,
тарих фанлари доктори,

ДИЛОРОМ ЮНУСОВНА ЮСУПОВА

Шарқшунослик институти,
етакчи илмий ходим,
тарих фанлари доктори

БАХТИЁР МИРАИМОВИЧ БОБОЖОНОВ

Шарқшунослик институти,
етакчи илмий ходим,
тарих фанлари доктори

МИРСОДИҚ МИРСУЛТОНОВИЧ ИСҲАҚОВ

Шарқшунослик институти,
профессор,
Шарқ қўлғезмалари
мутахассиси

АНАТОЛИЙ САГДУЛЛАЕВИЧ САГДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Миллий университети
(тарих кафедраси),
профессор

РУСТАМ ҲАМИДОВИЧ СУЛАЙМОНОВ

Ўзбекистон Миллий университети
(тарих кафедраси),
профессор

ДОДО АВАЗОВИЧ НАЗИЛОВ

Архитектура ва қурилиш
институти,
архитектура тарихи кафедраси
ўқитувчиси,
профессор

ШОКИР РАСУЛОВИЧ ПИДАЕВ

Санъатшунослик институти,
директор,
тарих фанлари номзоди

ОЛТИНОЙ ҚОСИМОВНА ТОЖИБОЕВА

Ўзбекистон Фанлар академияси
Санъатшунослик институти,
директор ўринбосари,
илмий котиб,
санъатшунослик доктори

БОҚИЖОН ҲОШИМОВИЧ МАТБАБАЕВ

Археология институти
(Тошкент бўлими),
илк металл ва антик дунё
бўлими мудири,
фан доктори

АМРИДД ИН ЭРГАШЕВИЧ БЕРДИМУРОДОВ

Археология институти
(Тошкент бўлими),
музей директори,
(Самарқанд)

САИДА РАВИЛЬЕВНА ИЛЬЯСОВА

Археология институти
(Тошкент бўлими),
катта илмий ходим,
тарих фанлари номзоди

ВАСИЛА СОЛИҲОВНА ФАЙЗИЕВА

Давлат санъат музейи,
директор

ГУЛБАҲОР ЖОЛЛИБАЕВНА ИЗЕНТАЕВА

И.В. Савицкий номидаги Қорақал-
поғистон Республикаси Давлат
санъат музейи,
директор

ОТАБЕК ЮСУФЖОНОВИЧ ОРИФЖОНОВ

Тарих музейи,
директор ўринбосари

ЖАННАТ ҲАМИДОВНА ИСМОИЛОВА

Тарих музейи,
директор
тарих фанлари доктори,
профессор

МАРФУА АЗИЗОВНА ҲАМИДОВА

Миллий консерватория

АЗАМАТ ЗИЁ ҲАМИД ЎҒЛИ

тарих фанлари доктори, профессор

НИЗОМИДДИН МАМАДАЛИЕВИЧ МАҲМУДОВ

филология фанлари доктори,
профессор

ХОНДАМИР ҒОФУРОВИЧ ҒУЛОМОВ

тарих фанлари доктори, профессор

КОМИЛЖОН РАҲМАТОВИЧ РАҲИМОВ

Шарқшунослик институти,
кичик илмий ходим

ГЕННАДИЙ ИГОРЕВИЧ БОГОМОЛОВ

Археология институти
(Тошкент бўлими),
илмий ходим
тарих фанлари номзоди

РАВШАН РАШОДОВИЧ ҲАКИМОВ

Архитектура ва қурилиш
институти,
ректор

ШУКУР ЖЎРАЕВИЧ АСҚАРОВ

Архитектура ва қурилиш
институти,
архитектура тарихи кафедра
ўқитувчиси,
тарих фанлари доктори

ВАЛЕНТИНА ВИТАЛЬЕВНА ЛУНЕВА

Ўзбекистон Фанлар академияси
Тарих институти,
бош илмий ходим,
санъатшунослик доктори

ДИЛАФРЎЗ МУҲСИНОВНА ҚОДИРОВА

Бадий академия,
«Санъат» журнали муҳаррири,
санъатшунослик доктори

ФЕРУЗА АБДУЛЛАЕВНА ОБИДЖОНОВА

Бадий академия,
бош илмий котиб

АЛЬФИЯ АДИЛОВНА МУСАКАЕВА

Тарих музейи,
нумизмат,
тарих фанлари номзоди

СУРАЙЁ УБАЙДУЛЛАЕВНА КАРИМОВА

Шарқшунослик институти,
илмий ишлар бўйича директор ўринбосари,
тарих фанлари доктори

ЖУРНАЛ

«ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИ – ХАЛҚЛАР ВА ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДАГИ МУЛОҚОТГА ЙЎЛ»

Халқаро конгресси
(ўзбек тилида)

Ташкилий қўмита:

Акмал Саидов – раис (юримдик фанлар доктори, профессор), Эдвард Ртвеладзе – лойиҳа илмий раҳбари (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, профессор), Баҳром Абдуҳалимов (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти), Криста Пиккат (ЮНЕСКОнинг минтақавий бюроси директори), доктор Томас Кунце (Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили).

«Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» лойиҳаси раҳбари,
ғоя муаллифи Ф. Абдуҳоликов
(Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист)

Координациялаш гуруҳи:

Андрей Зибкин (иктисод фанлари доктори, профессор),
Дилбар Бабажанова – «Uzbekistan Today» АА бош директори,
Екатерина Соболева – «Uzbekistan Today» ААнинг нашр масалалари бўйича бош директори ўринбосари, «Ўзбекистоннинг маданий мероси жаҳон тўпламларида» лойиҳаси координатори.

Таржима, таҳрир ва корректура:

Лиана Гуревич, Светлана Балашова (рус тилидаги матн таҳрири, корректураси), Баҳодир Эргашев,
Матлуба Мўминова (инглиз тилига таржима, корректура), Рустам Жабборов, Мавжуда Юлдашева,
Мунира Норова, Хосият Ражабова (ўзбек тилига таржима, корректура).

Компьютерда саҳифалаш ва дизайн:

Максим Бердиев, Александр Варламов

